

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**  
**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ**  
**ИНСТИТУТИ**  
**ИЖТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

Институт Илмий-услубий кенгашида  
кўриб чиқилди ва чоп этишга рухсат  
берилди.

Рўйхатга олинди № \_\_\_\_\_

Баённома № \_\_\_\_\_  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2019 йил

“Тасдиқлайман”

Илмий-услубий кенгаш раиси:  
\_\_\_\_\_ А.Рахимов

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2019 йил

**ФАЛСАФА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА**  
**ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ**  
**ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**  
**мавзусида**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**1 ва 2-босқич бакалаврият таълим йўналиши талабаларига**  
**мўлжалланган:**

- 5340100** - Архитектура (турлари бўйича)
- 5150900** – Дизайн (турлари бўйича)
- 5340200** - Бино ва иншоотлар қурилиши(саноат ва фуқаро бинолари қурилиши)
- 5340500** - Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш
- 5311500** - Геодезия, картография ва кадастр (геодезия)
- 5610100** - Хизматлар соҳаси (Уй-жой ва коммунал, маиший хизматлар )
- 5340400** - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (турлари бўйича)
- 5230200** – Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш
- 5111000** - Касб таълими (архитектура)
- 5111000** - Касб таълими (5340200- Бино ва иншоотлар қурилиши)
- 5111000** - Касб таълими (5340400-Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи)
- 5340300** - Шаҳар қурилиши ва хўжалиги
- 5340800** - Автомобил йўллари ва аэродромлар
- 5340900** - Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш
- 5341000** - Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш

**САМАРҚАНД-2019**

**Қулдошев А.Т. “Фалсафа фанини ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш” мавзусида услубий қўлланма.- Самарқанд: СамДАҚИ нашриёти, 2019 йил. 88 бет.**

Мазкур услубий қўлланма Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 605-сон буйруғи билан тасдиқланган намунавий дастур асосида 1-босқич бакалавр таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, олий таълим тизимида «Фалсафа» фани ўқитишнинг мазмун-моҳияти, дарсга тайёрланишда ёки дарснинг ўзида юзага келадиган аниқ методик вазифаларни ҳал этиш усуллари, мавзуга оид инновацион технологияларни қўллашнинг аҳамияти кўрсатиб берилган.

Шу маънода, ушбу услубий қўлланма натижаларидан олинган хулоса ва билдирилган таклифлардан талаба-ёшлар, ўқув фани бўйича таълим берувчи профессор-ўқитувчилар фойдаланиш мумкин.

**Такризчилар:**

Ж.Яхшиликков - СамДУ “Фалсафа” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор.

А.И.Сафаров - СамДАҚИ Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.

Услубий қўлланма Ижтимоий фанлар кафедраси йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган (Баённома № \_\_\_\_, \_\_\_\_ . \_\_\_\_ . 2019 й.)

## КИРИШ

Ҳозирги даврда фалсафа фанини ўқитишда барча фанларни ўқитишда бўлгани каби янгича услубиятни қўллаш, яъни инновацион методлардан фойдаланиш талаб этилмоқда. Фалсафадан мутахассис бўлиш ҳозирги даврда ниҳоятда қийин ва масъулиятли, айти пайтда жуда шарафли ишдир.

Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, ХХI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. *“Биз таълим ва тарбия тизимини барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз”*<sup>1</sup>.

Олий таълим тизимида фаолият юритувчи профессор-ўқитувчиларнинг энг асосий вазифаси – талаба-ёшларга замон талаблари асосида таълим-тарбия беришдир. Таълим жараёни ҳақида икки ҳил тасаввур шаклланган бўлиши мумкин. Биринчиси, Субъект-объект орасидаги муносабат тарзида ифодаланса, иккинчиси Субъект-субъект орасидаги муносабат тарзида ифодаланади. Биринчи ҳолда ўқитувчи талабаларга информацияни қабул қилувчи объект сифатида қараса, иккинчисида у билан бевосита мулоқат қилувчи, яъни ҳамсухбат

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан.// Халқ сўзи, 8 декабр, 2016 йил.

сифатида қарайди. Албатта, фалсафадан дарс ўтишнинг энг яхши шакли биринчисидир.

Мазкур услубий қўлланмада юртимиздаги педагог олим ва файласуфларнинг илмий-ижодий ютуқларидан унумли фойдаланиб, фалсафа фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг методик вазифаларига эътибор қаратдик.

Бундан ташқари;

☑ Фалсафа фанини интерактив шаклдаги ўқитишда ўқитувчи талаба ва талаба амалиёти ўртасидаги ўзаро таъсирнинг мавжудлигини таҳлил этиш;

☑ Номутахассислик йўналиш талабаларига фалсафа фанини ўқитишда интерактив усулда ўқитишнинг афзалликларини ўргатиш;

☑ Олий таълим муассасаларида Фалсафа фанини ўқитишнинг анъанавий ва ноанъанавий методларидан фойдаланиш бўйича хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Услубий қўлланманинг I боби ЎЗМУ фалсафа факультети талабаларига мўлжалланган “Фалсафани ўқитиш методикаси” ўқув курси материалларидан, баъзи қисмлари эса муаллифнинг СамДУ хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказида ёзган битирув малакавий иши натижалари асосида тайёрланди. Муаллиф соҳага оид мутахассисларнинг китоб ва тадқиқотларидан фойдаланар экан, талабалар, ёш изланувчи ва тадқиқотчилар учун қўл келар деган умидда шу соҳадаги мавжуд маълумотларни бир тизимга жамлаш, ҳамда улар асосида муайян масалаларга замонавий нуқтаи назарни баён қилишни лозим топди.

## **1. ФАЛСАФИЙ МАВЗУЛАРНИ ЁРИТИШДА АНЪАНАВИЙ ВА НОАНЪАНАВИЙ МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ.**

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормокда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари кидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир каторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи–талаба асосий фигурага айланади.

Шунинг учун олий таълим муассасаларида малакали мутахассисларни тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари - интерфаол методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратга оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Бугунги кунда таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблар орасида қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни талаба-ёшларга тўлиқ етказиб бериш, уларда маълум мавзу юзасидан кўникма ва малакаларни хосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган

билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш вазифалари ҳам ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан инновацион ёндашувни талаб этади.

Аслида, **инновация** (инглизча *innovatsion*) – янгилик киритиш, янгилик демакдир. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, узгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интрактив методлардан фойдаланилади.

Интерактив методлар бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмуниининг таркибий қисми ҳисобланади. Яъни педагог ва ўқитувчи-ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши оркали амалга оширилади.

Кенг маънода “Инновация” педагогик тизимга янгилик киритиш йўли билан таълим-тарбия жарёнини мақбуллаштириш, сифат ва самарадорлигини оширишни кўзда тутди. Педагогик тизимга киритилган янгилик сифат ва самарадорликка салбий таъсир қилиши ҳам мумкин. Биз тизимга унинг ички захира ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда сифат ва самарадорликни ошириш мақсадида киритилган янгиликларнигина инновация деб тушунамиз.

Педагогик тизимни такомиллаштириб, юқори сифат ва самарадорликка эришишга оид ғоя, назария, қоида, шакл, методлар ва воситалар тизимини педагогик инновациялар сифатида қабул қилиш мумкин.

Инновацион технологиялар ўз моҳиятига, кўра субъектив хусусиятга эга, яъни, ҳар бир педагог таълим ва тарбия жараёнини

ўз имконияти, касбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ижодий ташкил этиши лозим. Қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишидан қатъий назар инновацион технологиялар ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан аҳамиятлидир:

- педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёни)нинг самарадорлигини ошириши;

- ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши;

- ўқувчилар томонидан ўқув предметлари бўйича пухта билимларнинг эгалланишини таъминлаши;

- ўқувчиларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши;

- ўқувчиларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиши;

- педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

Шу жиҳатдан олиб қарасак, ҳозирги даврда умуман ҳар қандай предметдан дарс ўтишга оид тан олинган саккизта талаб борки, бугунги кунда уларга риоя этиш зарур ҳисобланади:

1. Талабага информацияни киритиб қўйиш керак бўлган объект (идиш) сифатида эмас, балки шахс (субъект) сифатида, яъни шаклланган, ўз фикр ва мулохазаларига, эътиқоди, қарашлари, интилишлари, иродаси, характери ва ҳ.к. эга бўлган субъект сифатида қараш.

Ушбу талаб дарс ўтишда ўқитувчи ўз қарашларини талабанинг ўзида мустақил шаклланиб бўлган дунёқарашнинг ўрнига, уни йўқ деб ҳисоблаб ёки ўчириб ташлаб эмас, балки

унинг учун қадрли бўлган қарашлар ва таълимотлар билан мувофиқлашувини назарда тутиб, унга пайванд қилиш тарзида иш юритишини тақозо этади. Бунингсиз дарснинг зарурий мақсадига, яъни талабанинг дарсга фаол ижобий муносабатда бўлишига эришиш мумкин эмас. Дарс ўтишининг янги интерфаол методлари ҳақида гап кетганида ҳозирги даврда ўқитувчидан айти шу вазиятни назарга олиш талаб этилаётгани англанади.

Лекин, ҳозирги шароитда буни амалга ошириш жуда қийин. Бу қийинчиликларнинг ўз объектив ва субъекти сабаблари бор. Объектив сабаблардан энг асосийси шундаки, биз одатда жуда катта (50, 60 ва ундан ортиқ) талабаларга (потокларда) маърузалар ўқишимизга тўғри келади. Шунинг учун субъект-субъект муносабатлари тарзида дарс ўтишни семинар машғулотларигагина татбиқ этиш мумкин бўлади. Аммо семинарларимизда ҳам одатда камида 30 ва ундан ортиқроқ талабалар қатнашади. Шунинг учун ҳар бир талабанинг фикрини билиш учун у билан конкрет мулоқот қилиш имконияти бўлмаслиги табиий.

Ваҳоланки, “Оммавий маданият”нинг ёпирилиб кириб келиши учун қулай бўлган ҳозирги очик жамият, ахборот хаоси, глобаллашув ва глобал маънавий кризис, шунингдек, мафкуравий хуружлар шароитида яшаётган эканмиз, ва айти шу кунларда баркамол авлодни тарбиялаш кўзда тутилган экан, бизга чет тилларини ўқитадиган ўқитувчилар учун яратилган шароит, ҳатто унданда қулайроқ шароит зарур. Лекин иқтисодий кризис авж олиб турган шароитда биз ҳозиргидан қулай ва ортиқроқ шароит келишини кутиб ҳам тура олмаймиз. Юқоридаги мулоҳазалардан ўқитиш жараёнига нисбатан иккинчи талаб келиб чиқади.



2. Бу мавжуд шароитдан иложи борича унумлироқ фойдаланишга ҳаракат қилиш талабидир.

3. Учинчи талаб ўқитувчининг ўзига тегишли. Ўқитувчининг талаба билан баҳам кўрмоқчи бўлган билимлари унинг ўзига яхши тушунарли ва маъқул келган бўлиши, бир сўз билан айтганда, унинг ўзидан келиб чиқадиган бўлиши зарур.

4. Бундан эса тўртинчи талаб ҳам келиб чиқади. Бу ўқитувчининг ўзи ҳам қандайдир ёт информацияни талабага узатувчи оддий бир автомат (радио, компьютер, телеэкран ва ҳ.к.) эмас, балки ўзи ўтадиган дарс мавзулари бўйича ўз фикр ва қарашларига эга бўлган, ўз ғоя ва мақсадларини мустақил шакллантириш, дарс ўтиш услубларини танлай олиш иқтидорига эга бўлган эркин ва ижодкор шахс бўлиши талабидир.

5. Навбатдаги талаб ўқитишнинг коммуникатив-ахборот тизими дейилади. Бу талаб ўқитувчининг талабаларга бермоқчи бўлган билим ва ахбороти кўпчиликни қизиқтирадиган, жалб этадиган равишда ташкилланиши кераклигини билдиради.

6. Олтинчи талабга кўра ўқитувчи ўз талабаларига дарс жараёнида ўзи билан эркин фикр алмашинув, мулоқот қилиш учун имконият яратишини тақозо этади. Яъни ўқитувчи ўз талабаларининг дарс мавзуси бўйича ўзига саволлар билан эркин муносабат қилишлари, керак бўлса, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришлари учун шароит яратиши ва шунга рағбатлантириши керак.

7. Ўқитувчи дарс материалларини ўз талабаларининг ўзлаштиришлари учун тегишли объектив ва субъектив шароитлари

мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда танлаши ва ташкиллаши мақсадга мувофиқ.

8. Ўқитувчи ўзига талаба кўзи билан қарай билиши, улар орқали ўз нуқсонларини пайқашдан кўрқмаслиги ва, керак бўлса, ўзини ўзгартириши жоиз. Бунинг учун у ҳар бир талабани шахс сифатида кўра олиши, уларнинг иззат-нафсига тегмасликка ҳаракат қилиши зарур. Шундай бўлиб қолган ҳолларда эса у ўз хатосини тезда тузатиши зарур.

Шу маънода, фалсафани ўқитиш бошқа фанларни ўқитишдан катта фарқ қилади. Бу фарқ фалсафанинг маънавий маданиятнинг қандай соҳаси эканидан келиб чиқади. Зеро биламизки, асл фалсафа фаннинг ўзигина эмас, балки борлиққа донишманд кўзи билан қарайдиган энг юксак **элитар маданият** шакли, дунёқарашнинг ўзига хос тарихий типидир. Демак, фалсафа ўқитувчиси оддий ўқитувчилар каби талабага фақат билим (информация) бера оладиган, унинг фикрини бойитиш билангина чекланадиган киши эмас, балки уни ҳаётга донишманд кўзи билан қараш сирларидан бохабар этадиган зот ҳамдир.

Фалсафа дарслари қизиқарли ва талабага бой ахборот берадиган бўлишига ёрдам берадиган услублар жуда кўп. Лекин улар орасида фалсафанинг энг синалган ва энг қадимий услуби бўлган “суқротча баҳс”га ҳеч қайси услуб ета олмайди. Зеро айнан шу услуб диалектик фикрлаш услубидир ва айнан шу услуб дунёга Суқрот, Платон, Аристотел, Форобий, Ибн Сино каби кўплаб мутафаккирларни етиштирган. Айни шу услуб Платон диалогларида акс этган ва ҳозиргача инсоният етук мутафаккирларини камолотга етказишда давом этмоқда. Бу

услугбни яхши билиш учун мазкур диалогларни чукур ўрганиш керак. Бугунги кунда уларнинг ўзбек тилидаги таржимаси амалга оширилгани эса ишимизни янада енгиллаштирди. Бу услуб семинарда эмас, балки фақат маърузалар вақтида ўказилади.

Фалсафа дарсларининг хажми жуда қисқа бўлган нофалсафа мутахассисликлари дарсларида эса уни қўллаш учун етарли вақт топиб бўлмайди. Аммо бу услуб масаланинг жавоби бахс қатнашчиларидан бирига аён бўладиган платонча (сукротча) диалог эмас, албатта. Бу саволлар ва уларга жавоблар тўқнашуви жараёнида келиб чиқадиган ўз ўзидан ташкилланиши кутиладиган ночизиқли когнитив-коммуникатив муҳитдир.

Шу маънода, фалсафани ўқитиш бошқа фанларни ўқитишдан катта фарқ қилади. Бу фарқ фалсафанинг маънавий маданиятнинг қандай соҳаси эканидан келиб чиқади. Зеро биламизки, асл фалсафа фаннинг ўзигина эмас, балки борлиққа донишманд кўзи билан қарайдиган энг юксак **элитар маданият** шакли, дунёқарашнинг ўзига хос тарихий типидир. Демак, фалсафа ўқитувчиси оддий ўқитувчилар каби талабага фақат билим (информация) бера оладиган, унинг фикрини бойитиш билангина чекланадиган киши эмас, балки уни ҳаётга донишманд кўзи билан қараш сирларидан бохабар этадиган зот ҳамдир.

Фалсафани ўқитишнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, фалсафа хусусий **фан соҳаларидан бири эмас, балки дунёқарашдир. Дунёқараш сифатида унинг мазмуни** нафақат фаннинг барча соҳалари билан, балки маънавий маданиятнинг барча соҳалари билан ҳамда амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши зарур. Демак, бошқа фан ўқитувчилари ўз дарсларида одатда

асосан ўз фанлари, ҳатто ўз фанларининг тор соҳалари мазмунига кирадиган билимга таяниб дарс ўтишлари етарли бўлса, фалсафа ўқитувчиси билимнинг барча соҳаларига таяниши ҳамда амалиётнинг ҳамма қирраларини ҳисобга олиши зарур.

Зеро чинакам фалсафа қуруқ билим эмас, балки у шундай ҳикматдирки, ўқитувчи бу ҳикматни амалиётда қўллаш тадбирлари ҳақида ҳам талабага йўналиш бериши керак. Шундай экан фалсафани ўқитишда ўқитувчининг ўзи ҳам амалиёт билан яхши боғланган бўлиши, яъни **ҳаётга асл донишманд кўзи билан қарай билиши ва бу қобилиятни ўз шогирдларига ҳам сингдириши** ҳам керак.

Фалсафа ўқитишнинг бошқа фанларни ўқитишдан фарқлантирадиган яна бир муҳим жиҳати шундаки, бошқа фанларни ўқитишда эксперимент услубидаи фойдаланиш мумкин бўлгани ҳолда, фалсафада бундай имконият йўқ. Масалан, фанлар ичида энг мавҳуми ҳисобланган математикани ёки назарий физикани ўқитишда ҳеч бўлмаганда формулалардан фойдаланиш мумкин. Фалсафий мушоҳадаларни эса ҳатто формула ёрдамида ҳам ифодалаб бўлмайди. Шунинг учун **фалсафани ўқитишда асосан мантиқий мушоҳаданинг ўзи билан кифояланишга мажбур бўлинади.** Шунинг учун ҳам Аристотел мантиқ фанини фалсафа эмас, лекин фалсафани, умуман, ҳар қандай билимни ўрганишга тайёрловчи муҳим дастлабки босқич, яъни пропедевтика, деб атаган эди.

Айни шунга кўра бугунги кун фалсафа ўқитувчиси ўз талабаларини бир вақтнинг ўзида ҳам серқирра билим, ҳам яхши тарбия асослари, ҳам юксак ижод намуналари билан таништириб

бориши, шунинг билан бирга уларнинг яралиши сирларидан бохабар этиши ҳам керак. Шу тарзда **фалсафа ўқитувчиси** жамиятга бир вақтнинг ўзида ҳам мантикий тафаккур қобилияти ривожланган, ҳам юксак ахлоқли, ҳам соф ва олийжаноб элитар маданият эгаси бўлган, яъни **ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга бўлган баркамол авлодни** етиштириш вазифасини бажаради.

### **Фалсафа дарсларини режалаштиришда анъанавий ва янги педагогик технологияларнинг қўллашнинг аҳамияти**

Бугунги кунда таълим технологияларини шартли равишда икки турга ажратиш мумкин:

- 1. Анъанавий**
- 2. Ноанъанавий**

**Анъанавий таълим технологияси** - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган бўлиб, ўқитишнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларининг мажмуидан фойдаланиб таълим-тарбия мақсадига эришишдир.

**Ноанъанавий таълим технологияси** - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида талаба шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.

## **Анъанавий таълим технологиясининг афзалликлари ва камчиликлари:**

### **Афзалликлари:**

- ☑ маълум кўникмаларга эга бўлган ва аниқ маълум тушунчаларни, фанни ўрганишда фойдали;
- ☑ ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилиниши;
- ☑ вақтдан унумли фойдаланиш;
- ☑ аниқ илмий билимларга таянади.

### **Камчиликлари:**

- ☑ ўқувчилар нофаол иштирокчи бўлиб қоладилар;
- ☑ ўқитувчининг тўла назорати барча ўқувчилар учун мотивацияни вужудга келтирмайди;
- ☑ ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди;
- ☑ эслаб қолиш даражаси ҳамма ўқувчиларда бир-хил бўлмаганлиги сабабли, синф бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиб қолиши мумкин;
- ☑ мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун шароитлар яратилмайди.

## **Ноанъанавий таълим технологиясининг афзалликлари ва камчиликлари**

### **Афзалликлари:**

- ☑ ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши;
- ☑ ўз вақтида қайтар алоқаларнинг таъминланиши;
- ☑ тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиши;

- ☑ ўқитиш усулларининг турли хил кўринишлари таклиф этилиши;
- ☑ мотивациянинг юқори даражада бўлиши;
- ☑ ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиниши;
- ☑ мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашиши;
- ☑ ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши;
- ☑ ўқувчиларнинг фанга оид мавзу мазмунига, ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати;
- ☑ мустақил фикрлай оладиган ўқувчининг шаклланишига ёрдам бериши;
- ☑ нафақат мазмунини ўзлаштиришга ёрдам бермай, балки танқидий ва мантиқий фикрлашни ҳам ривожлантириши;
- ☑ муаммолар ечиш кўникмаларининг шаклланиши.

#### **Камчиликлари:**

- ☑ кўп вақт талаб этилиши;
- ☑ ўқувчиларни ҳар доим ҳам кераклича назорат қилиш имкониятининг пастлиги;
- ☑ жуда мураккаб мазмундаги материал ўрганилаётганда ҳам ўқитувчи ролининг паст бўлиши;
- ☑ ўқитувчининг ўзи ҳам яхши ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмаларига эга бўлишининг талаб этилиши.

## **2. ФАЛСАФА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ИННОВАЦИЯЛАРИ.**

Олий таълим тизимида фалсафа фанини ўқитишнинг хусусий-методик даражасида дарснинг барча босқичлари педагогик технология талаблари асосида ташкил этилади. Бунда ўқитувчи ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қайси технологиядан фойдаланиш, мазкур технология асосида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, дарсда ўқувчиларнинг билиши лозим бўлган ўқув топшириқлари, ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимини назорат қилиш ва баҳолаш йўллари белгилаши лозим.

Фалсафа дарслари кизиқарли ва талабага бой ахборот берадиган бўлишига ёрдам берадиган услублар жуда кўп. Лекин улар орасида фалсафанинг энг синалган ва энг қадимий услуби бўлган “суқротча бахс”га ҳеч қайси услуб ета олмайди. Зеро айнан шу услуб диалектик фикрлаш услубидир ва айнан шу услуб дунёга Суқрот, Платон, Аристотел, Форобий, Ибн Сино каби кўплаб мутафаккирларни етиштирган. Айни шу услуб Платон диалогларида акс этган ва ҳозиргача инсоният етук мутафаккирларини камолотга етказишда давом этмоқда. Бу услубни яхши билиш учун мазкур диалогларни чуқур ўрганиш керак. Бугунги кунда уларнинг ўзбек тилидаги таржимаси амалга оширилгани эса ишимизни янада енгиллаштиради. Бу услуб семинарда эмас, балки фақат маърузалар вақтида ўқазилади.



Фалсафа дарсларининг хажми жуда қисқа бўлган нофалсафа мутахассисликлари дарсларида эса уни қўллаш учун етарли вақт топиб бўлмайди. Аммо бу услуб масаланинг жавоби бахс катнашчиларидан бирига аён бўладиган платонча (сукротча) диалог эмас, албатта. Бу саволлар ва уларга жавоблар тўқнашуви жараёнида келиб чиқадиган ўз ўзидан ташкилланиши кутиладиган ночизиқли когнитив-коммуникатив муҳитдир.

Фалсафани ўқитишда кўрғазмалик воситалари қўллаш мақсадга мувофиқдир. Улар, масалан, а) схема, диаграмма, цифралар; б) хужжатли ва бадий фильмлар; в) бадий адабиёт; г) мультимедиа ва бошқа кўринишларида бўлиши мумкин. Кенг маънода айтганда кўрғазмалик воқеликни конкрет ҳиссий образлар, тасаввурлар шаклида акс эттиришни билдиради.

Билимни кўрғазмали шаклда узатиш дарсни хотирада яхши сақланиб қолишига ёрдам беради. Зеро, олимларнинг текширувиغا кўра кўриш орқали инсон 90 фоиз маълумот ўзлаштира олар экан. Шунинг учун ҳам кўрғазмалилик билим беришда самарали восита ҳисобланади. Бу услубни қўллашда ҳам ўз меёри бўлиши керак. Чунки кўрғазмалилик фикрлаш жараёнининг ўрнини қоплаб олмаслиги керак. Акс ҳолда бу дарс эмас, фақат томоша бўлади. Кўрғазмалиликни фалсафа ўқитишда ўзига хослиги бор. Зехни ўткир, билимга бўлган эҳтиёжи яхши ривож топган, ҳаёли ҳақиқатни чуқур билиш сари қатъий қаратила оладиган, иродали кишилар учун нафақат турли хилдаги схема, диаграммалар балки ҳаётнинг ўзи, ҳаётдаги ҳар бир нарса билим манбаи бўла олади. Ундай одамлар учун ҳатто ўқитувчи ҳам керак эмас. унга ҳатто йўл ёқасида тинчгина ётган тош ҳам, дарахт ҳам, шамга парвона

бўлиб, куйиб кетадиган капалак ҳам билим беради. Фақат табиатнинг бу улкан дафтарини ўқиш ва ўқишга бўлган чин иштиёқ бўлса бас. Лекин бизнинг бугунги талабаларимиз орасида бундайлар жуда-жуда кам учрайди. Деярли учрамайди. Шунинг учун биз ўз дарсларимизда иложи борича фикрларни кўргазмали қилишга интиламиз.

Одатда фалсафани кўргазмали қилиш мумкин эмас деб ҳисобланади. Бундай фикрнинг асосида фалсафанинг жуда теран илм шакли (дониш-мандлик) жанри чуқур англаш ётади. Шунга қарамасдаи кўргазмалиликка иложи борича интилиш зарар қилмайди. Айни замонда фалсафа ўқитишда кўргазмалиликнинг ўзига хослигини назарда туташ жоиз.

Бу ўзига хослиги шундаки, фалсафадаги кўргазмалилик тушунтирилаётган объектни кўрсатиш билан кифояланмайди, балки кўрсатилишдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам катта мантиқий иш амалга оширилади. Демак фалсафадаги кўргазмалилик чекланган, фрагментар характерга эга бўлиб, иккиламчи роль ўйнайди ва асосан мантиқий мушоҳада қобилияти биринчи ўринга чиқади. Масалан, химия фани мутахассиси бир модданинг ҳосил бўлиши жараёнини кўрсатмоқчи бўлса бир ёки бирнеча пробиркани бир бирига қўшиш орқали ўз мақсадига ета олади. Лекин фалсафа ўқитувчиси, масалан, миқдор ва сифат боғланишлари устида бундай эксперимент ўтказиши мумкин ва етарли эмас. Зеро бунда мантиқий хулосалаш ҳам зарур.

Бундан ташқари фалсафий дарсларнинг мавзулари бутун жамият, бугун инсоният, бутун табиат, бутун олам, борлиқ

хусусида бўлгани учун, бундай объектларни ҳеч қандай кўргазма қамраб ололмайди.

Шунга қарамасдан асосий категория ва ғояларни эмас, балки мавзунинг бошқа майда жиҳатларини ишончли, далилланган, ойдинроқ қилишда кўргазмалиликдаи фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фалсафани ўқитишда одатда қуйидаги кўргазмалик воситалари қўллаб келинади:


- а) схемла, диаграмма, цифралар;
- б) ҳужжатли ва бадиий фильмлар;
- в) бадиий адабиёт;
- г) мультимедиа воситалариан фойдаланиш.

Таълим технология элементларини танлаш ва амалга оширишда талабаларнинг ўқув билиш фаолиятларини эътиборга олиш лозим. Амалиётдаги оддий қоида шу ҳақда гувоҳлик берадики, назарий дарснинг дастлабки 20 дақиқасида талабаларга янги билимларни бериш амалга оширилади, кейин эса баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа шу каби ноанъанавий методларни амалга ошириш орқали берилган билим мустаҳкамланиши лозим.

### **Талабаларнинг ўзлаштириш даражасига ўқитиш**

#### **методларининг таъсир даражаси:**

1. Маъруза - эшитганимизнинг **5%**.
2. Ўқиш - ўқиганимизнинг **10%**.
3. Видеоусул, намойиш - кўрганимизнинг **20%**.
4. Тажрибани намойиш қилиш - кўрган ва эшитганимизнинг **30%**.



5. Баҳс-мунозара - муҳокама қилганимизнинг **40%**.
6. Машқлар - ўқиган, ёзган, гапирганимизнинг **50%**.
7. Ишбоп ўйин, кичик гуруҳларда ишлаш, лойиҳалаш - мустақил ўқиганимизнинг, таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг, ҳимоя ва намойиш қилганимизнинг **75%**.
8. Йўналтирувчи матн, муаммоли вазият, бошқаларни ўқитиш - мустақил ўрганганимизнинг, таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг, бошқаларни ўқитган нарсаларимизнинг **90%**.


Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, дарс жараёнида ноанъанавий методлар қўлланилганда, талабаларнинг ахборотни эслаб қолиш кўрсаткичининг энг юқори даражаси 30%ни ташкил этар экан. Ноанъанавий методлар қўлланилганда

эса, талабаларнинг ахборотларни ўзлаштириш даражаси янада ортиб боради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўқитиш жараёнида ўқувчиларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларнинг қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, масъулиятни сезиш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, педагогга ўзи танланган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради.

Бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади. Улар жуда хилма-хилдир. Замонавий методлар, ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи технологик тренинглари ўқувчиларда мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардош, етук мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисларга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради.

## ФАЛСАФА ФАНИНИ ЎРГАТИШДА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИШ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЖИҲАТЛАР




**Қуйида таълим жараёнида фойдаланмоқчи бўлган методларни танлаш вақтида ҳисобга олиш лозим бўлган айрим жиҳатларни кўриб чиқамиз.**

**КЛАСТЕР усули**

(Кластер-тутам, боғлам) - ахборот харитасини тузиш йўли барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни (фикрларни) йиғиш.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очик жалб қилишга ёрдам беради.



## “ДЕБАТЛАР” усули

“Дебат” тушунчаси эса аслида “бахс юритиш” маъносини ифодаловчи тушунча бўлиб, қуйидагича таърифланади:

Дебат – турлича қарашлардаги одамлар орасида содир бўладиган фикрий тортишув жарёни бўлиб, унда қатнашувчиларнинг ҳар бири бошқаларни ўз фикрининг тўғрилигига мантиқий равишда ишонтиришга ҳаракат қилади.

Дебат қатнашчилари бир неча оддий қоидаларга амал қилиши талаб қилинади:

1. Дебат қатнашчиси гапираётганида гапини тугатмасидан туриб уни танқид қилмаслик. Зеро, биринчи қарашда тушунарли ва аҳамиятсиз бўлиб кўринган баъзи фикрлар кейин олдига суриладиган муҳим фикрлар учун кириш ёки тўртки берувчи вазифани ўтаётган бўлиши мумкин.

2. Дебатда билдириладиган ҳеч қандай фикрга ғайри оддий, кераксиз, куракда турмайдиган фикр деб қарамаслик керак. Айни пайтда фикр мавзу доирасида, мавзу билан узвий бўлиши ҳам шарт. Лекин кўпинча бир яхши, бақувват фикрга етиб келингунича унча яхши бўлмаган, саёзроқ фикрлар оқимидан ўтиб боришга тўғри келиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш жоиз.

3. Дебат юритишда олдинга суриладиган фикрлар 3-4 та фикр билан чекланмаслиги, яъни кўпроқ (масалан, 25 та) бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки, фикрлар қанча кўп бўлса, якуний хулосалар учун шунча мустаҳкам асос, пойдевор яратилади.

“Дебатлар” асосида дарсни ташкил этишдан асосий мақсад муаммо ечимини топишда талаба ўз ёндашувининг тўғрилигига



ўзгаларни ишонтиришдир. Ўз фикрларини аниқ ва лўнда баён этиш, бунинг учун тўғри далил ва хулоса топиш кўникмасини шакллантиришда “дебатлар” самарали метод ҳисобланади.

### **Методик тавсиялар:**

“Дебатлар” мавзуни резолюция шаклида ифодалаши керак. Маълумки, резолюция ҳар доим мавжуд ҳолатни ўзгартиришни талаб этади.

Мисол учун, **“Фалсафа тарихида табиат ва жамият муносабатларининг эволюцияси қандай кечган?”**

Машғулотга маҳаллий мутахассислардан (олим, врач, муҳандис, ижтимоий арбоб ва бошқа) бири таклиф этилади. Дебатда талабалар икки гуруҳга ажратилади: резолюцияни кўллаб-қувватловчилар ва уларга қарши чиқарувчилар. Гуруҳ сардори регламентга риоя қилиш кузатувчи-ёрдамчи тайинлайди.

“Конструктив аргументлар” 3-5 ҳолатга асосланган; мантиқий ифодаланган ва далилий материаллар билан мустаҳкамланган аргументлар тайёрлаш учун талабаларга етарлича вақт берилади. Уларга муаммонинг моҳиятини англаш ва ўз фикрларини мустаҳкамлаш учун мантиқий аргументлар тайёрлашда ўқитувчи ёрдам бериши керак. Шу билан бирга, талабалар қарши томон билдиражак фикрларни тахмин қилишлари ва олдиндан уни инкор этишга ҳам тайёргарлик кўришлари лозим.

Талабаларни шундай далил-исбот топиш кўникмасига ўргатиш керакки, билдирилган фикрни қарши томоннинг муҳокама қилишига ўрин қолмасин. Шундагина талабалар

тенгдошларининг карашларини ҳурмат қилишга ёки ўз билими аудиториядошининг билими олдида кам эканлигини тан олишга ўрганади, энг асосийси, уларда эркин фикр юритиш кўникмалари шаклланади.

### **“ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ” методи**

#### **Услубнинг қўлланилиши**

Ушбу услубни машғулот жараёнида ёки машғулотни бир қисмида якка кичик гуруҳ ҳамда жамоа шаклида ташкил этиш мумкин. Ундан уйга вазифа беришда фойдаланса ҳам бўлади.

#### **Тарқатма- 1.**

<b>Тушунчалар</b>	<b>Тушунчалар мазмуни</b>
<b>Сўфизм</b>	
<b>Пантеизм</b>	
<b>Патристика</b>	
<b>Апологетика</b>	
<b>Схоластика</b>	

#### **Тарқатма – 2 жавоби**

<b>Тушунчалар</b>	<b>Тушунчалар мазмуни</b>
<b>Суфийлик</b>	(араб. "суф" – жун) – ислом дини пайдо бўлгандан сўнг унинг доирасида Қуръон ва ҳадисга мос равишда шаклланган таълимот. VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Суфийлик мусулмон мамлакатларидаги халқларнинг диний йўналишдаги ижтимоий-фалсафий, маданий-маънавий ҳаётида кенг тарқалган мураккаб ҳамда ички зиддиятларга тўла

	Ғоявий оқим.
<b>Пантеизм</b>	– Худони табиат билан тенглаштирувчи фалсафий таълимот.
<b>Патристика</b>	- сўзи «ота» («падре») сўздан келиб чиққан. Бу ном билан одатда Ғарбда епископларни уларга хурмат сифатида атаганлар. Шарқда машҳур бўлган черков оталаридан бири Иоан Златоуст (347-407) эди. Унинг 640та даъватларидан кўпчилиги авлиё Павел номаларининг шарҳи эди. Унинг асарларида инжилни амалий қўллаш соф ахлоқий масалалар билан қоришиб кетган.
<b>Апологетика</b>	- юнонча <i>apologetikos</i> - ҳимоя қилиш маъносини англатади. Илоҳиётда тафаккур далиллари ёрдамида диний таълимотни ҳимоя қилиш ва оқлаш билан боғлиқ булган соҳа. Диннинг моҳиятини ақидалар тизими хусусиятлари, ахлоқий принциплари, ижтимоий ҳаётдаги роли ва аҳамиятини таҳлил қилиш асосида уни фалсафий материалистик ва генетик танқиддан ҳимоя қилишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қуяди
<b>Схоластика</b>	диний фалсафанинг асосий йуналишларидан бири. Мазкур таълимот илоҳиётга асосланиб, диний ақидаларга фалсафий ёндашган. Схоластика аслида, ўрта асрларда ғарбий Европада ривожланган. Бироқ кейинчалик, мазкур термин Шарқ фалсафасига нисбатан ҳам ишлатила бошланди.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН ВАЗИЯТЛИ ТОПШИРИҚЛАР

Амалий машғулотлар учун вазиятли топшириқларни дидактик материаллар асосида ташкил этилиш тавсия этилади. Дидактик материаллар сирасига мавзулар охирида бериладиган мисоллар, муаммоли ва қизиқарли саволлар, ижодий топшириқлар, лойиҳалар, ўйинлар, кроссвордлар ҳамда ҳаётий тажриба ва амалий фаолиятларни киритиш мумкин. Бундай материалларнинг берилиши таълим олувчиларнинг нафақат назарий билим олишлари, балки ўз назарий билимларини амалиётда қўллашга йўналтиради, талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш ҳамда фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилади.









Умуман олганда, ўқитилиши ва ўрганилиши лозим бўлган билимларни берувчи ҳар қандай ахборот ташувчилар ўқув-дидактик материаллар сифатида қабул қилинади. Назарий ва амалий машғулотларда ўқув-дидактик материаллар сифатида қўлланиладиган матнли - визуал воситалар, амалий машғулотларда курс материаллари, услубий қўлланмалар, жадваллар, жиҳоз ёки асбобни ишлатиш бўйича кўрсатмалар ҳамда электрон таълим ресурслари рўйхати берилади.

Амалий машғулотлар учун вазиятли топшириқларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- Муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш;
- Тадқиқотлар олиб боришга юналтириш;
- Турли вазиятлар ва ҳолатлар таҳлилига қаратиш;
- Тажрибалар ва машқлар ўтказишга мулжаллаш;
- Янгиликларни излаш ва топишга йўналтириш.

## **Муаммоли вазиятли ва ижодий ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда эса қуйидаги қондаларга риоя этилиши тавсия**

### **этилади:**

-  топшириқлар ҳақиқий вазиятлар билан боғлиқ муаммоларга қаратилиши керак;
-  ўқув топшириғидаги муаммони ҳал этишда талабалар ақлий фаолиятини турли усуллар ёрдамида ривожлантиришни кўзда тутди;
-  топшириқлар мазмунида акс эттирилган ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги муҳим боғлиқлик кўрсатилиши керак;
-  топшириқлар ечимини аниқлаш ва талабалар онгида ходисалар ёки жараёнлар ўртасида боғлиқликни мустаҳкамлаш имкониятларини назарда тутилиши лозим;
-  топшириқларни бажариш жараёнида талаба оддий тушунчалардан, у ҳали ўзлаштирилмаган янада мураккаброк тушунчани келтириб чиқариш имконини бериши лозим;
-  топшириқни бажариш жараёнида оддий тушунчалар талабага маълум бўлмаган тушунчалар билан ўзаро таҳлил қилинади;
-  топшириқни бажаришда талаба тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан ва ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади;
-  ижодий фикрлаш асосида янги билимлар шаклланади.

### **Ижодий топшириқлар:**

*талабаларни қўйилган масалалар доирасида мустақил фикрлашга, уларни ижодий ривожлантиришга йўналтиради*

### **1-вазият.**

Абу Наср ал-Фаробий ўзининг Китоб-ул-хуруф (Харфлар) китобида фалсафанинг динга нисбатан афзаллиги ва бирламчилиги ҳақида очиқ гапиради ҳамда диний маросимлар фалсафий ҳақиқатлар ва субъектив тимсол, рамзларнинг тимсолидир деб эътироф қилади. Аммо у дин мутлақо керак эмас деган фикрни назарда тутмайди. Зеро у динни инсонлар жамияти учун фойдали ва зарурий деб ҳисоблайди. **Сиз бу фикрга қўшиласизми?, нима учун?**


### **2-вазият.**

Ибн Арабий фалсафаси Европа фалсафий анъанасида фойдаланилган тилга жуда яқин бўлган тилда яратилган философема. Уни айтиш ҳолда рационалистик философема деб номлаш мумкин (у бирлик, кўплик, сабаб, оқибат, биринчи асос, жисм, макон, замон каби категориялар ва атамалардан фойдаланади); тилини бадиий тил деб белгилаш мумкин бўлган, бироқ нафақат эстетика жаҳасини, балки онтология ва натурфалсафанинг рационалистик тили билан бир борлиқни тавсифловчи философема (унинг категориялари – мухаббат, интилиш, эҳтирос, муҳтожлик, гўзаллик ва ш.к.); ниҳоят, «мистик» тилда яратилган философема (категориялари: завқ, ҳол, фано, бақо, жон, рўё ва ҳ.к.). Ибн Арабий философемаси неча қисмдан иборат? Уларнинг моҳияти нимага йўналтирилган?

### 3-вазият.

**Фалсафа ва дунёқараш мутаносиблиги қайси вариантда аниқ ифодаланган?**


Қуйидаги чизмада шу муносабатни аниқланг.



### 4-вазият.

Тарихий тажриба фалсафанинг ривожланиш жараёнида абадий муаммоларнинг қўйилиши ўзгариб туради, уларни тушуниш эса чуқурлашади ва кўп ҳолларда муқобил кўринган ҳақиқатлар бир-бирини тўлдиради, ривожлантиради. Бу нима билан боғлиқ. Фалсафа билан фаннинг ўзаро муносабатини қуйидаги чизма асосида изоҳланг?

Қуйидаги чизмада шу муносабатни аниқланг.



## «ЭКОЛОГИК САЁҲАТ» ўйини

Ўйин учун керакли нарсалар: ватман ёки А-3 қоғоз варақлари, маркерлар.

Саёҳатимизни саволларни муҳокама қилиш билан бошлаймиз:

Келажагимизни қандай бўлишини ҳохлаймиз? Жавоблар тахминан қуйидагича бўлиши мумкин: «**тинч**», «**фаровон**», «**бахтли**», «**урушлар, фожиалар ва туб ижтимоий ўзгаришларсиз**», «**тоза атроф-муҳит ва табиат билан ўзаро уйғунликда**» ва ҳ.к.

Шундай келажакка эришиш учун ҳозирги кунда кишилик жамияти нималар қилмоқда ҳа, жавобларни бериш қийинчиликларни туғдирмоқда. Мисоллар келтирилмоқда, лекин улар аниқ ва ишонарли эмас.

Шундай порлоқ келажакни таъминлаш учун ҳозирги ёшлар нималар қилмоқда? Учинчи саволга жавоб бераётиб, келажак уни яратиб берувчи кишиларга бевосита боғлиқ экан, деган ҳулосага келишимиз мумкин.

Ўйиннинг кейинги босқичида машғулотнинг барча иштирокчиларини 5 - 10 кишидан иборат бўлган командаларга бўлишимиз керак. Командаларнинг ишлашлари учун керакли материалларни бериб, топшириқни тушунтирмоғимиз лозим.

### **Командалар учун вазифа:**

«**Экологик ҳавфсиз**» давлатга саёҳатни тасвирлаб бериш. Ўйин иштирокчилари «ҳозирги замон» давлатидан «**Экологик ҳавфсиз**» давлатга қилинадиган саёҳат йўлини тематик тарзда



кўрсатиб беришлари керак (командаларга 15 - 20 дақиқа берилади).

Картада шартли белгилар ёки символлар ёрдамида «Экологик ҳавфсизлик»ка эришиш йўлидаги кутилаётган барча тўсиқлар кўрсатилиши зарур. Ушбу йўл эгри-бугри бўлади ва саёхатчилар унда турли қийинчилик ва ҳавфларга дуч келишлари мумкин.

«Экологик ҳавфсизлик»ка этиш йўли билан бирга командалар «ҳозирги замон» ва тассаввур этаётан «Экологик ҳавфсиз»ни кўрсатишлари лозим.

«Экологик ҳавфсизлик»ка этишда командалар барча муаммоларни ва ҳавфларни энгиш учун лозим бўлган ҳамма методларни ва чораларни санаб ўтишлари лозим (шу эрда иштирокчилар маърузалар давомида олган назарий билимларининг даражасини кўрсатмоқлари лозим).

Командалар қилган ишларини презентация қилишлари керак ҳар бир презентацияга 5 дақиқа ажратилади). Олиб борувчи командаларнинг ишларини жамлаб, уларга ҳулоса бериши лозим. Энг қизиқарли, ижодий ва маъноли ишларни ажратиб олиб, уларни рағбатлантирмоқ зарур.

**Ўйин хулосаси:** “Экологик ҳавфсизликни таъминлаш”да кишиларга нафақат сиёсий ва иқтисодий омиллар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи мутахассисларгина эмас, балки экологик саводли, фикрлайдиган ва маданиятли кишилар кераклигини уқтириш лозим. ҳозирги ва келажак авлодлар Сайёрадаги ҳаётни сақлашга интилувчи кишиларгина бунга эришишлари мумкин. Айнан бугунги кунда кишиларнинг «кузатувчи»лик ҳолатидан «фаол» ҳолатига ўтишларига вақт

келди. Барқарор ривожланиш фақатгина экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни биргаликда ҳал қилишда, уларнинг уйғунликдаги ривожда амалга ошиши мумкин. Шу билан бир қаторда экологик фикрлаш ва Ердаги одамларнинг масъулиятли муносабати ҳам ўта муҳимдир. Келажак - инсонлар қўлидадир.

### **“МЕНЮ” усули**

Якка тартибда ёки кичик гуруҳлар билан ишлашни хоҳлаган ўқитувчига “**Меню**” методидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда кичик гуруҳ (талаб)га аниқ топшириқ берилади.

Мисол учун, “**Тарақиётнинг Ўзбек модели**” ининг мазмун моҳиятини очиб бериш. Бунда ўқитувчи ҳар бир гуруҳ учун алоҳида топшириқ тайёрлайди:

**1. Иқтисодиётнинг сиёсат ва мафкурадан холилиги тамойили.**

**2. Давлат - бош ислохотчи тамойили.**

**3. Қонун устуворлиги тамойили.**

**4. Кучли ижтимоий сиёсат юритиш тамойили.**

**5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили.**

Ҳар бир гуруҳ топшириқ олади ва 3 минут давомида муҳокама қилишади, сўнгра гуруҳ вакили ўқитувчи столига келиб, тайёр “Меню”ни олиб қайтади. Бу узун қирқилган қоғоз – “тиллар” бўлиб, уларда хилма-хил ҳуқуқ асослари баён қилинган. Гуруҳ вакили “тиллар”дан бирини танлаб олади ва ўз

гуруҳига қайтади. Бошқа ўқувчи-талаба ҳам шу ишни бажаради ва зарурий материаллар йиғилгунча бу ҳолат давом этади. 10 минут давомида топшириқ муҳокама қилинади ва расмийлаштирилади. Бу методда жавоблар оғзаки бўлиши мумкин. Бошқа гуруҳ вакиллари саволлар беришади, ўқитувчи эса гуруҳ ишларини, сардор фаолиятини баҳолаб боради.

### **“Билоғонлар кўчаси” ўйини**

Бу ерда талабалар гуруҳларга бўлинган ҳолда, ҳар бир гуруҳ расмларда тасвирланган ёки ўзлари танлаб олган варақлардан номлари ёзилган мавзуга оид таянч тушунчалар ва атамалар тўғрисида ҳикоя қилиб беришлари керак бўлади.


*Ўйинда: Мифология, «Гелгамши ҳақида достон», Миср эҳромлари-пирамидалар, Ведалар, Ҳинд фалсафий мактаблари, Даосизм, Конфуцийчилик, буддизм «Авесто», Зардуштийлик кабилар тўғрисидаги маълумотларни бериш талаб этилади.*

Шунинг мазкур “Кўчада” давлат ва сиёсат арбоблари, файласуфларнинг ҳаёти, фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб беришлари, ўша даврдаги фалсафий оқим ва таълимотлар ҳақида маълумотларнинг берилиши каби шартдан ҳам фойдаланиш мумкин.

## КРОССВОРД ўйини


**Энига:** 1. Немис биологи Эрнст .... 4. Буюк Британиянинг геосиёсатчи. 8. Географик .... 12. Ким 1924 йилдан Германияда «Геосиёсий журнал» нашр этиб?. 13. «Noos» юнончадан нима? 14. Энг муҳим ва кенг қўлланиладиган фалсафий категориялардан биридир. 17. «Демографик ... » 18. «Қолоқ аграр ... ». 19. «Англия цивилизацияси тарихи» асарини муаллифи. 21. Ким «Геосиёсат» атамасини 1916 йилда биринчи бўлиб ишлатган?. 22. Платоннинг ороли.

**Бўйига:** 2. «Фалокатлар назарияси» асосчиси. 3. Буюк италиялик натурфайласуф. 5. Экологик ... . 6. «Oikos» юнончадан нима?. 7. «Илғор индустриал ... ». 9. Кимнинг ғояларининг издошлари ўз ўтмишдошининг ўта совуқ хулосаларидан халос бўлиб, унинг таълимотини XX аср бошида юз берган «демографик портлаш» тўлкинида вужудга келган неомальтусчилик кўринишида давом эттирдилар?. 10. «Қонунлар руҳи» асарини муаллифи. 11. Жан-Батист ... . 15. Буюк шоир, гуманист ва натурфайласуф Алишер ... . 16. Немис геосиёсатчи. 20. Француз олими.



## “Каскад” техникасининг қондаси

Иерархик ғояларни таркибини намоиш этиш имконини беради.  
Асосий мақсад: ижодий ва таҳлилий фикрлашни фаоллаштириш.




## “Каскад” техникаси

- 1) “Каскад”ни тузиш жараёнида системали схеманинг элементлари ва таркибларини илгари суриш мумкин. Бу эса унинг ҳолатини қайта ўйлаб кўришга имкон беради.
- 2) Сиз ғояни ишлаб чиқишда боши берк кўчага кириб қолсангиз, бир-икки қатлам тепага қайтинг ва қаранг, муҳим нарсани эсдан чиқармадингизми, бошқача йўл тутиш мумкинми.
- 3) Сиз чапдан ўнгга ёзишга ўрганиб қолдингиз. “Каскад” ни ўнгдан чапга чизишга ҳаракат қилинг.

## ВЕНН ДИАГРАММАСИ

Турлича ва умумий хусусиятларга эга бўлган икки ёки уч жиҳатни таққослаш жараёнида таҳлил, синтез ва умумлаштиришга имкон берувчи услуб. Икки ёки ундан ортиқ кесишувчи доира қурилади. Ушбу метод ўқувчиларга муаян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. методни қўллаш жараёнида ўқувчилар билан гуруҳли ёки оммавий ишлаш мумкин.



Гуруҳ шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган фаолият таҳлил этилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

- 1) ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;

- 2) гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради. Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган схема асосида ташкил этилади.

Методдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади, яъни:

1. Ўқувчиларнинг ўрганилиши режалаштириладиган мавзу бўйича тушунчаларга эгаллик даражалари аниқланади.
2. Ўқувчиларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади.
3. Ўқувчилар мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништириладилар.

**Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тўлиқ тафсилоти қуйидагича:**

***Талабалар гуруҳларга бириктириладилар;***

- ✓ *ўқувчиларнинг янги мавзу бўйича тушунчаларга эгаллик даражаси ўрганилади;*
- ✓ *ўқувчилар томонидан қайд этилган лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;*
- ✓ *ўқувчиларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади;*
- ✓ *ўқувчиларнинг эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;*
- ✓ *ўқитувчи янги мавзуга оид умумий маълумотлар билан ўқувчиларни хабардор қилади;*
- ✓ *ўқувчилар ўзлаштирган янги тушунчалар аниқланади;*
- ✓ *баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;*
- ✓ *машиғулот якунида ягона лойиҳа яратилади.*

**“Диний маданият, ютуқлар ва уларнинг жаҳон маданиятидаги ўрни”** мавзусини замонавий педагогик технологиянинг **“6 га 6”** усулида ташкил этиш ва ўтказиш

## **С Ц Е Н А Р И Й С И**

**Дарс мавзуси:** (амалий машғулот) **“Диний маданият, ютуқлар ва уларнинг жаҳон маданиятидаги ўрни”**

**Дарснинг таълимий мақсади:** Дин ва диний маданиятнинг ўзга хослиги таҳлил этиш, Шарқ ва Ғарб мамлакатлари маданиятларда диннинг устуворлиги масаласи, диний эътиқод ва иймон, унинг инсоният маданияти ривожига тутган беқиёс ўрнини, жаҳон цивилизациясига кўрсатган таъсирини кўрсатиш ҳамда диний маданиятлардаги ютуқлар ва уларнинг жаҳон маданиятидаги ўрни ва роли хусусида хулоса чиқариш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларни Шарқ ва Ғарб халқларининг диний маданияти бойликлари билан яқиндан таништириш. Диний эътиқодлар ва оқимлар, унинг инсоният маданияти ривожига тутган беқиёс ўрнини, жаҳон цивилизациясига кўрсатган таъсирини кўрсатиш,

Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб халқларининг ижтимоий-маданий ҳаётида диний муносабатлар ва маросимлари, диний маданияти кабилар билан талабаларни таништириш ҳамда Шарқ ва Ғарб халқларининг томонида яратилган маданий қадриятларни ўрни хусусида хулосалар чиқариш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларни Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган маънавий омиллар тобора биринчи ўринга чиқиб бораётган ҳозирги шароитда халқимизда, хусусан ёшларда дин ва ундаги реал



кадриятларга маънавий маданиятнинг бир қисми сифатида қарашни шакллантириш ва уларни кадрлаш руҳида тарбиялаш, уларнинг диний-ахлоқий тафаккурини юксалтириб, одамлар турмуш тарзи ва дунёқараши, ахлоқий тафаккур ривожиди диний маданият аҳамиятини атрофлича таҳлил ва тадбиқ этиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

### **Дарсда фойдаланиладиган технология:**

**“6 га 6” усули.**

#### **Дарснинг бориши:**

*1. Ташкилий қисм.*

*2. Талабаларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Семинарда ўқитувчининг кириш сўзи аввало мавжуд муаммони яъни мавзуни очиб беришга қаратилган бўлади, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар доирасидаги саволлар бўйича аниқликлар киритади. Амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, дарснинг мақсади Дин ва диний маданиятнинг ўзга хослиги таҳлил этади. Шарқ ва Ғарб мамлакатлари маданиятларда диннинг устуворлиги ҳамда диний маданиятлардаги ютуқлар ва уларнинг жаҳон маданиятидаги ўрни ва роли ҳақида ўз фикрини баён этади.

#### **3. 6 га 6 ўйинини ўтказиш.**

Бунда 6 кишидан кам бўлмаган гуруҳ 6 дақиқа давомида гуруҳ олдида турган муаммони ечишга ёрдам берадиган аниқ ғояни шакллантиришга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир иштирокчи оппоқ қоғозга алоҳида саҳифаларга ўз фикрларини ёзиб боради. Бу ихчам тарзда амалга оширилади. Шундан сўнг гуруҳда барча

тайёрланган рўйхатлар муҳокама қилинади. Муҳокама жараёнида ўта хато қарашлар чиқариб ташланади, мунозарали масалаларга аниқлик киритилади, бошқа барча аниқланган хусусиятлар гуруҳлаштирилади. Вазифа бир неча муҳим муқобилларни сақлаб, саралаб олиш. Унинг миқдори иштирокчилар миқдоридан кам бўлади.

6 кишилиқ гуруҳ олдида 6 дақиқа ичида Марказий Осиё халқларининг қадимги диний маданиятининг асосини ташкил этадиган аниқ бир умумий ғояни айтиб бериш талаби қўйилади.

Улар:

- Сув ва ҳавони муқаддаслаштириш ғояси;
- Аждодлар меросига эътиқод;
- Тупроқ, сув, олов ва ҳавони муқаддаслаштириш ғояси;
- Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал тамойили;
- Ўзингга раво кўрмаган нарсани бировга ҳам раво кўрма.

Шундан сўнг ёзилган фикрлар муҳокама қилинади ва хато деб топилганлари рўйхатдан чиқариб ташланади. Тўғри ва аниқ жавоблар гуруҳлаштириб қуйидаги ҳолатга келтирилади: Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал тамойили ҳамда тупроқ, сув, олов ва ҳавонинг муқаддаслаштирилиши ғояси зардуштийликнинг асосини ташкил этади.

Педагогик технологиянинг бу усули орқали дарсда иштирок этаётган барча талабаларни баҳолаш мумкин, яъни 36 талабани баҳолаш мумкин.



Холис назорат усули бу - **тест**.

**Тест** (инглизча синаш) бирон фаолиятни бажариш учун таълим даражасидаги билимни эгаллашга қаратилган топшириқлардир.

Тест топшириқлари, мослик, оддийлик, аниқлик ва муайянлик талабларига асосан табақалаштирилади.

### ***Талаба билимини тестлар ёрдамида баҳолаш масаласи.***

Талаба билимини тест усулида баҳолаш бугунги кунда педагогик амалиётга кенг кириб келди. Умуман олганда ушбу услуб кўп ютуқларга эга. Лекин уни фалсафа соҳасида қўллаш кўп мураккабликка ҳам олиб келди. Шунинг учун баҳолашнинг бу услубидан ягона восита сифатида фойдаланиш бизнингча муаммоли масаладир. Уни мутлоқ деб қараш камида қуйидаги камчиликларга олиб келиши мумкин.

1. Дарслар мобайнида талаба эгаллаган билимнинг мазмуни назардан четда қолади, яъни назоратнинг ушбу шаклида талабалар билимининг соф миқдорий, шаклий (формал) жихати устивор бўлиб қолиб, асосий бўлган сифат таҳлил иккиламчи ўринга тушиб қолади, ҳатто бу таҳлил амалга оширилмаслиги ҳам мумкин.

2. Фалсафанинг ўзига хослиги ҳисобга олинмайди. Хусусан, фалсафада "ҳа" ва "йўқ" деган жавоблар тўлақонли жавоб ҳисобланмайди. Бу ерда масалаларга индивидуал ёндошув, далиллашнинг махсус характери ҳам ҳисобга олишниши муҳимдир.

3. Тест услубининг баҳолаш мезонлари етарлича яхши ишлаб чиқилган эмас: Ўртача ўқийдиган талаба фақат дарсга қатнашиб юргани учунгина ижобий баҳоланиши содир бўлиши мумкин.

4. Назоратни бир таҳлитликка, фақат тестларга қатъий мослаштирилиши бугун назоратни формал равишда балл қўйишдан иборат бир нарсага айлантириши мумкин.

Ушбу услуб фикрлаш жараёнини бир қолипга солиб қўйиши (стандартлаштириши) эҳтимоли катта. Бу хол, гуманитар

фанлардан мутахассислашувчиларнинг индивидуал сифатларини ҳақиқий аниқлаш имконини чеклаб қўяди.

Шунинг учун файласуф талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаб боришнинг бошқа шакллари ҳам қўллаш яхши самара беради.

Шундай шакллардан бири талабага ечиш учун масалалар беришдир. Масалан, талабаларга алоҳида кичик қоғозларга (карточкаларга) ёзилган қуйидаги масалаларни ёзиб, унга ёзма ёки оғзаки равишда жавоб беришларини топшириш мумкин:

### Вариант №1

№	Саволлар	№	Жавоблар
1.	Бахт нима?		Эркаклар -18 ёш, аёлларга-17 ёш;
2.	Никоҳнинг ахлоқий асосини нима ташкил этади?		Панд-насихат.
3.	Ахлоқий муносабатлар нималарга асосланади?		Оилада фарзандларнинг вояга етгач янги оилага асос солишлари.
4.	Оиланинг ахлоқий асосини нима ташкил этади?		Ақл ва ҳиссиётга
5.	Ўзбекистон Республикасида никоҳга кириш неча ёш қилиб белгиланган?		Никоҳ
6.	Оилани ахлоқий нуқтаи назардан бузилишига нима асос бўла олади?		Муҳаббат
7.	Ахлоқий тарбиянинг энг оммавий усули қайси?		Бу шахсий ва ижтимоий манфаатларни қондирилиши.

## “ИНСЕРТ УСУЛИ”

**Инсерт** - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

### Матнни белгилаш тизими

(V) - мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

“Қадимги Шарқ фалсафаси” мавзусини **Инсерт** жадвали асосида мустаҳкамлаш.

Тушунчалар	V	+	-	?
Мифология				
«Гелгамиш ҳақида достон»				
Миср эҳромлари- пирамидалар				
Веда				
Локаята ва чорвака мактаблари				
Даосизм				
Конфуций				
Буддизм				
«Авесто»,				
Зардуштийлик				

## БАҲС-МУНОЗАРА УЧУН САВОЛЛАР

1. Демократик ривожланишда миллий мустақиллик ғоясини изоҳлаб беринг?
2. Бегоналашув нима ва унинг қандай кўринишлари бор?
3. Миллий тарбиянинг қандай бош мақсадлари мавжуд?
4. «Миллатлараро тотувлик», «миллий ва диний бағрикенглик» тушунчалари-нинг маъно-мазмунини баён этинг?
5. «Агрессив миллатчилик»нинг қандай кўринишлари мавжуд?
6. Президент Ислам Каримов асарларида миллатлараро тотувлик, миллий ва диний бағрикенглик қандай ёритилган?
7. Қандай давлатларга полиэтник ва моноэтник давлатлар деймиз?
8. Тил - миллат руҳиятининг ифодаси эканлигини изоҳлаб беринг?

### Баҳс-мунозарага қатнашувчиларнинг баҳолаш мезонлари


<i>Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари</i>		<i>Маърузачиларнинг исми ва шарифи</i>			
		<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
1.	Маърузанинг мазмуни: (9 балл)				
	- мавзуга тўғри келади (3 балл)				
	- кетма-кет, мантиқан ва аниқ баён этилди (3 балл)				
	- аниқ хулоса чиқарилди (3 балл)				
2.	Маълумотларни тақдим этишда во-ситалардан фойдаланилди (4 балл)				
3.	Регламентга риоя этди (2 балл)				
	<i>Жами:</i>				
<i>Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари</i>		<i>Тақризчиларнинг исми ва шарифи</i>			
		<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
1.	Маърузага қўшимча қилади (5				

	балл)				
2.	Маърузанинг ижобий томонларини кўрсатади (4 балл).				
3.	Маърузанинг саёз томонларини кўрсатади (4 балл).				
4.	Регламентга риоя этади (2 балл).				
	<i>Жами:</i>				
<i>Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари</i>		<i>Оппонентларнинг исми ва шарифи</i>			
		<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
1.	Саволлар:				
	- миқдори (ҳар бир саволга 2 балл)				
	- мазмуни (3 балл)				
2.	Қўшимчалар қисми (2 балл)				
	<i>Жами:</i>				



**“Т-схема”** жадвали – таянч сўз ва иборалар билан ишлашда талабаларнинг дарс жараёнида фаоллигини ривожлантирувчи педагогик усул.

**Т- СХЕМА**  
**Концепцияга, воқеяликка, объектга нисбатан муносабат билдириш учун қўллаш мумкин.**



**Т-схема жадвалини тўлдириш**

<b>Никоҳ ва оиланинг ахлоқий меъёрларини белгилувчи оимлар қайсилари?</b>	<b>Никоҳ ва оиланинг ахлоқий меъёрларига зарар етказувчи оимлар қайсилари?</b>

### **3. ТАЛАБАЛАР ТАНҚИДИЙ ФИКРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ**

Фалсафани ўқитишда танқидий тафаккурни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Бунда аввало шуни таъкидлаш жоизки, айнан фалсафа, айниқса, рационалистик фалсафа танқидий тафаккур тараққиётининг энг олий намунасидир. Демак, ана шу фалсафанинг ўз шаклланиши тарихидаёқ турли қарашлар, ёндошувлар, концепциялар орасидаги зиддиятлар мавжудлигига эътибор берилса, талабада танқидий тафаккурни ривожлантириш унча қийин муаммо эмас.

Танқидий фикр – бу қўйилган масала ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён қилиш, ўзгаларнинг фикрларини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаи назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишга асослангандир. Яна бу қоидага аниқлик киритадиган бўлсак, фикрлаш – бу ўқиш, ёзиш, сўзлаш ва эшитишга ўхшаш жараён. У фаол, мувофиқлаштирувчи шундай жараёнки, ўзида бирор ҳақиқат тўғрисидаги фикрларни камраб олади.

Танқидий (тахлилий) фикр шу билан аҳамиятлидир:

- ҳаётнинг мураккаб ўзгарувчанлик маъносини тушуниб етишга ёрдам беради;
- жамоанинг очиқ фикрини рағбатлантиради;
- алоқа, тушуниш ва ҳурматнинг икки томонламалигини англатади;
- шахснинг ривожланишига шароит яратиши ва бошқалар.

Таълим жараёнида танқидий (таҳлилий) фикрлашнинг асосланиши:

1. Ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи-талаба ўртасидаги ҳамда ўқувчи-талаба билан ўқувчи-талаба ўртасидаги ўзаро ҳурматни тарбиялайди.

2. Машғулот жараёнида ўқувчи-талабанинг ўз тажрибасидан фойдаланилади.

3. Маълум ўқув мазмуни ўқувчи-талабанинг талабларига мос ва аниқ тарзда фойдаланилади.

4. Муаммони ҳал қилишда ўқув материалларидан фойдаланилади.

5. Ҳар хил фикр ва қарашлар интеграциялашади.

6. Дастлабки шарт-шароитлар қабул қилинади ва текшириб кўрилади.

7. Таълим ўқитувчи(педагог) билан ўқувчи-талабалар орасидаги ёки ўқувчи- талабаларнинг ўзлари ўртасидаги муносабатлар орқали бериб борилади.

8. Ўқувчи-талабаларнинг мустақил таълим олиши учун шароит яратилади ва уларнинг тайёргарлик даражасига мувофиқ методлар танланади.

Машғулотлар жараёнида фойдаланиладиган дидактик ўйинли технологиялар ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, дарслик ва қўшимча адабиётлар устида мустақил ишлаш, нутқ ва мулоқот маданиятини ривожлантириш, уларни онгли равишда касб-ҳунарга йўллаш, дидактик ўйин давомида вужудга келган қийинчиликларни бартараф этишда мўлжални

тўғри олиш, ҳар хил вазиятларни таҳлил қилиб, тўғри хулоса чиқаришга замин ҳозирлайди.

Ўқув дастурлари талабларига мувофиқ муаммоли ёки мунозарали машғулотларнинг ташкил этилиши танқидий ва таҳлилий фикрларнинг ривожига муҳим аҳамиятга эга. Ўқув жараёнида мунозарали дарсларнинг икки хили: илмий мунозара дарслари ва эркин фикрлаш дарсларидан фойдаланилади.

Интерфаол методлар - ўзаро фикр алмашишга, ўзаро фикрларни тўлдиришга, гоҳ новербал, гоҳо вербал таъсир ўтказишга қаратилган ҳаракатлар мажмуасидир. Интерфаол методларни қўллашда ўзаро таъсир асосига қурилган интеллектуал ҳаракатлар шунчаки таъсир ёки туртки вазифасини бажариш билан чекланиб қолмайди ва ҳамкорлик субъектларини ижодий изланишга йўналтириш, номаълум ҳолатни очишга(кашф этишга) кўмак берувчи назарий-ақлий мулоҳазаларни яратиш функцияларини ҳам бажариши мумкин.

Таълим мазмунини ўзлаштиришда талабаларнинг билим савияси, ўзлаштириш даражаси, таълим манбаи, дидактик вазифаларга мувофиқ ва муносиб равишда қуйидаги интерфаол методлар қўлланилади:

- ўқитишнинг кўргазмали методи;
- мустақил ишлар методи;
- муаммоли-эвристик моделлаштириш методи;
- илмий тадқиқот методлари;
- ўқитишнинг муаммоли-изланишли ва репродуктив методлари;
- ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методлари;

- ўқитишнинг назорат ва ўзини ўзи назорат қилиш методлари.

Методлар қуйидаги гуруҳчаларни ўз ичига олади:

Биринчи гуруҳ методлари: ўқув ахборотларини эшитиш орқали қабул қилиш методлари (оғзаки методлар: ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар).

Иккинчи гуруҳ методлари: ўқув ахборотларини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари (кўргазмали метод, тасвирий намоиш қилиш ва бошқалар).

Учинчи гуруҳ методлари: ўқув ахборотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (амалий методлар, машқлар, лаборатория ишлари, дастурлар тузиш, машқ ва масалалар ҳамда тест топшириқларини ечиш, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар).

Интерфаол методлар асосида тузилган дарс тизимларида турли стратегиялардан фойдаланилади. Бунда талабаларга яширинча усуллардан (китоб, конспектлар ва ҳ.к.) фойдаланиш тақиқланмайди, аксинча бундай усулларни қўллаш рағбатлантирилади.

Талабаларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш, муаммоларни ҳал қилишда тайёр стандарт ечимлар билан бирга ностандарт ечимлар қилишга ундаш, талабалар ички хиссиётларини юзага чиқариб, уларни мантиқий фикрлашга чорлаш, уларни солиштириш, хусусий аналитик фикр юритишга ўргатиш, уларнинг интеллектуал, зукколик хислатларини шакллантириш ва маълум йўналишда янада юқори даражада ривожлантириш мақсадида муаммоли услубдан фойдаланилади.

Муаммоли вазият қандай ҳосил қилинади? Бунинг учун бажарилиши лозим бўлган топшириқ эълон қилинади. Энди шу вазифани бажариш учун талаба бор билим ва кўникмаларини эслайди, топшириқни бажаришда шу пайтгача эгаллаган билимларининг етишмаслигини сезиш билан бирга талаба шахсида маълум психологик қарама-қаршилик шаклидаги ҳолат юз беради. Галдаги муаммо топшириқни бажариш ва шу топшириқни бажариш учун янги билим, иқтидор ва кўникмаларни излаш муаммоси пайдо бўлади. Ана шу вазият эса муаммоли таҳсилнинг бошланиш жараёни ҳисобланади.

Педагог талабаларнинг топшириқни мустақил бажариш жараёнини зукколик билан бошқаради, эътибор билан кузатади, керак бўлганда жонли мулоқотга чорлайди. Талабалар мантиқий фикрлаш давомида уларнинг жонли мушоҳадаси, фикр доираси педагог томонидан изчиллик билан ҳисобга олинади ва таҳсил охирида фаол талабаларга қўйилган баллар ёки баҳоларни эълон қилади.

Талабаларда умумлашган психологик ва услубий билим, иқтидор ва кўникмаларни шакллантириш, ўз тажрибаларини танқидий нуқтаи назардан янада мустаҳкамлаш, реал ҳақиқий амалиётдаги шароитда синаш ва амалий кўникмаларни янги билимлар билан янада бойитиш мақсадида шу услубдан фойдаланилади.

Маълумки, ҳар қандай фан ўқитилиши учун белгиланган мақсадга кўра, унинг мазмуни танланади. Уни ўзлаштириш учун унга мос методлар танланади. Сўнгра ўқув воситалари ва ниҳоят, буларга мос равишда ўқитиш шакли танланади.

Талабаларнинг психологик тайёргарликлари ва фикрлаш ёки олинган билимларни ўзлаштириш даражаларига қараб ҳар бир таълим босқичи учун мос мазмун ва методлар танланади. Ҳар бир босқичнинг ўзига хос мазмунини баён қилиш мантиқи ва методлари бор. Таълимда ҳар доим мазмун ва методлар муаммоси мавжуд, бу муаммолар бир-бири билан узвий боғланган. Таълим методларидаги муаммолар «Кимни қандай ўқитамиз?» деган савол билан боғлиқ бўлиб, бундан таълим методларини ишлаб чиқиш унинг мазмунига боғлиқ эканлиги келиб чиқади. Бу икки муаммо ўзаро қарама-қаршиликда бўлиб, бир-бирини тўлдириб боради.

Методиканинг мақсади мазкур фандан янги ўқув фани (ўқув предмети) яратиш ва бу фаннинг ўзлаштирилишини таъминлашдан иборат. Бундай ўқув фанлари талабанинг барча талаб ва эҳтиёжларини қониқтириши, замонавий педагогик технологиялар талаблари асосида «аввал ўқиш, сўнгра, бу ўқишга ўргатиш учун ўқитиш» принципига асосланиши, талабанинг ўқув материални ўзлаштиришидаги кўрсаткич ва ўзлаштириш даражалари, назарий ва амалий билимларини эгаллашда «соддадан-мураккабга» қоидасига асосланган назорат топшириқларини белгилаш ҳамда талабаларга индивидуал ва табақалашган ҳолда ёндашувлар хусусиятларини ҳисобга олиши лозим.

Анъанавий методикада талаба шахсининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда унинг билими кўникмага, ундан эса малакагача ривожланишига аҳамият берилмаслиги аён. Ўқитувчи талабага иложи борича ўрганилаётган мавзудан кўпроқ ахборот

беришга ҳаракат қилади. Ўқитувчи ахборотларни тўплаш, ахборотларни танлаш ва қайта ишлаш, ўрганилган ахборотларни қўллаш каби билишнинг учта босқичдан иборат моделига ҳар доим ҳам риоя қилавермайди. Кейинги навбатда талабанинг билиш фаолияти (олган билими) уни билиш фаолиятининг янги поғонасига, яъни бу билиш фаолиятининг фаоллашув жараёнига кўтариши керак. Шундагина билим кўникмага, кўникма эса малакага айланади. Талабалар билиш фаолиятининг фаоллашуви катор принципларга таянади: фанни ўрганишга қизиқтириш, таянч ибораларга асосланиш, муаммоли методларни қўллаш, мустақил ишларни ташкил этиш, ялпи ва якка ишларни ташкиллаштириш, кўргазмали ва техник воситалардан фойдаланиш, таълим мазмунини турмуш билан боғлаш, фанлараро алоқадорликни ўрнатиш ва ҳоказо. Бундан эса, таълим жараёнида ўқитувчи риоя қилиши керак бўладиган асосий принциплар келиб чиқади:

- талабада ўз кучига ишониш ҳиссиётини уйғотиш;
- талабада ўз вақтида керакли ёрдам бериш.

Талабаларнинг фанларга оид танқидий фикрини билиш мақсадида қуйидаги варақалар тарқатилган:

1. Маърузани эшитиб ёзиб бордим, лекин ўзлаштирилаётган материал моҳиятини бир даврнинг ўзида тўлиқ тушуниб етмадим.
2. Олий таълимнинг мазмуни ва шакли ўрта мактабникидан нимаси биландир фарқ қилади.
3. Илмий тушунчалар, атамалар ва таърифлардан фойдаланишда қийинчиликларни ҳис қиламан.
4. Маъруза ва семинар машғулотларининг моҳиятини тушуна олмайман.



5. Назарий билимлар билан амалиёт ўртасида бирмунча номутаносибликлар мавжуд.

6. Мустақил фаолиятни режалаштиришнинг оқилона усуллари етишмайди.

7. Мустақил билим олиш учун жуда оз вақт қолади.

8. Ўқув йили давомида бир қанча материаллар индивидуал ишлашга йиғилиб қолади.

9. Рейтинг назоратида ҳис-туйғуда барқарорликнинг етишмаслиги сабабли диққатни бир жойга тўплай олмайман.

10. Семинар машғулотлари ва рейтинг назоратига тайёрланиш учун бирламчи манбаларнинг йўқлиги ёмон оқибатларга олиб келади.

Танқидий фикрлашни ривожлантириш осон иш эмас. Бу муайян ёш даврида тугалланган ва эсдан чиқарилган вазифа ҳам эмас. Шу билан бирга танқидий фикрлашга олиб борадиган тугалланган йўл ҳам йўқ. Аммо танқидий фикрловчиларнинг шаклланишига ёрдам берувчи муайян ўқув шароитлари тўплами мавжуд.

Танқидий фикрлаш тажрибасини эгаллаши учун талабаларга вақт ва имконият бериш зарур, яъни;

- талабаларга фикр юритиш учун имконият бериш;
- турли-туман ғоя ва фикрларни қабул қилиш;
- талабаларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш;
- ҳар бир талабанинг танқидий фикр юритишга қодир эканлигига унинг ўзида ишонч ҳиссини уйғотиш;
- танқидий фикрлашнинг юзага келишини қадрлаш лозим.

Шу муносабат билан талабалар:

- ўзига ишонччи орттириш, ўз фикри ҳамда ғояларининг кадрини тушуниш;
- таълим жараёнида фаол иштирок этиш;
- турли фикр ва ғояларни эътибор билан тинглаш;
- ўз ҳукмларини шакллантиришга ва ундан қайтишга тайёр туриши лозим.

Танқидий (таҳлилий) фикрлаш талабаларнинг фаоллиги билан бевосита боғлиқдир. Чунки талабалар сусткаш тингловчилар бўлишади, уларда ўқитувчи билимли ёки матнда унинг бу билимлари акс этган, шу туфайли уларнинг билимларига ўқитувчи масъул, деган ишонч шаклланиб қолган. Таълим жараёнидаги талабаларнинг фаол иштироки ва таълимга ўзларининг масъул эканлигига тайёрлиги, танқидий фикрлашда кутилган натижаларни беради. Талабаларни фикр юритишга, ўз ғояси ва фикрлари билан ўзаро ўртоқлашишга даъват этиш каби педагогик ёндашув уларнинг фаоллигини ўстиради.

Фикрлаш жараёнини ташкил этиш давомида талабаларнинг фикрлари, ўз танқидий таҳлили натижалари қимматли эканлигини уларнинг онгига сингдириш зарур. Ўқитувчи (педагог) талабалардан муайян материални шунчаки қайта ишлашни талаб қилганда тайёр қолиплардан, андозалардан холи бўлиши лозим. Бу эса талабаларда ўзгалар ғояларини механик тарзда қайта ишлаб чиқиш энг муҳим ва қимматли эканлигига ишонч ҳосил қилишга олиб келади. Аслида талабаларга ўз фикри, ўзига тааллуқли бўлган ғоя ва тасаввурлар қимматли эканлигини кўрсата олиш керак. Талабаларнинг ўзлари ҳам ўз фикрларининг қимматбаҳо эканлигига ишонч ҳосил қила олишлари ҳамда масалаларни

муҳокама қилиш жараёнида ўта муҳим ва катта ҳисса бўлиб ҳисобланишини тан олишлари керак.

Фикрлаш жараёни талабаларнинг ўзаро бир-бирлари билан фикр алмашишларини кўзда тутади. Ўзаро фикр алмашишда талабалардан диққат билан тинглаш, ўзининг қарашлари тизимини сўровчига зўрлаб ўтказиш ва бошқа сўзловчилар фикрини тузатиб туришдан ўзини тийиб туриши ҳам талаб этилади. Бунга жавобан талабалар бошқаларнинг ялпи фикрларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Кенг доирадаги мунозара оқибати ўларок, талабалар ўзларига тегишли бўлган ғояларни таҳлил қилиш ва уни аниқлашга янада қобилияти орта боради ҳамда уларни ўз билимлари ва ҳаётий тажрибаларида яратган ғоялари тизимига тиркаб боради. Фикрлаш жараёнини ташкил этишда уни ўтказишнинг бир неча моделлари мавжуд, яъни ўзига ишонч ҳосил қилиш, ишда фаол иштирок этиш, ўртоқлари ва ўқитувчи билан фикр алмашиш, ўзгалар фикрини тинглай олиш ва бошқалар.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Умумий педагогика» кафедраси доценти Г.Н.Ибрагимованинг олий таълим тизимида интерфаол технологиялар воситасида талабалардаги ижодий фикрлашни ривожлантириш борасида қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: “Фикримизча, талабаларда ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик тизимни вужудга келтиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- талабаларда ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик-психологик шароитларини яратиш;

- талабаларнинг ижодий фикрлашига қўйилган талабларни аниқлаш;

- талабаларда ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш жараёнини ўзига хос педагогик технология жиҳатларини аниқлаш.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, бизда ҳозирги даврда ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш андозаси (моделли) ишлаб чиқилди. Зеро, комил инсон тарбияси республикамизни жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари даражасида кўрсатишга хизмат қилувчи салоҳияти, мустақил фикрлайдиган, эркин, ижодкор шахсни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.”<sup>2</sup>.

Умуман олганда, талабаларнинг танқидий (тахлилий) фикрини ривожлантириш олий ўқув юртларидаги ўқув-тарбия жараёнида камол топтирувчи ҳамда тарбияловчи принципларни амалга оширишда ва талабаларнинг ўзини ўзи бошқаришида муҳим рол ўйнайди.

---

<sup>2</sup> Ибрагимова Г.Н. Олий таълим тизимида интерфаол технологиялар воситасида талабалардаги ижодий фикрлашни ривожлантириш. // Замонавий таълим/Современное образование. 2017 , 4-сон. 35-бет.

## 4. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ТАЖРИБАСИ

### НАМУНАЛИ ДАРС

**“Ўрта асрлар фалсафаси” мавзусининг ўқув машғулоти  
моделли ва технологик харитаси**

**Маърузани олиб бориш технологияси**

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машғулоти шакли</i>	Маъруза: Ўрта асрлар фалсафаси
<i>Маъруза режаси</i>	<p>1. Ўрта асрларда Ғарб ва Шарқда фалсафа ривожланишининг умумий белгилари.</p> <p>2. Ўрта асрлар Европасида фалсафий тафаккурнинг ривожланиш хусусиятлари.</p> <p>3. Ўрта асрлар Шарқ фалсафий тафаккурининг ривожланиш хусусиятлари</p>
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарбда шаклланган фалсафий фикрларнинг боғлиқлиги ҳамда ўзига хос томонларини аниқлаш фалсафий қарашлар, таълимотлар, муаммолар ҳақида тушунча бериш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Жаҳон цивилизациясининг бир бутунлиги ва ранг баранглигини очиқ беришдан иборат.	Жаҳон цивилизацияси, унинг мутаносиблиги, умумийлиги ва фарқи ҳақида маълумотларга эга бўлинади.
Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб дунёсининг фалсафий қарашларини	Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб дунёсининг фалсафий қарашлари билан танишилиб, ҳозирги

умумий жихатлари ва ўзига хослигини ўрганиш.	даврда антик ва ўрта асрлар фалсафасига бўлган муносабат аниқланади, тушунча хосил қилинади.
<b><i>Ўқитиш усуллари ва техника</i></b>	Маъруза, «Ақлий ҳужум», Тушунчалар таҳлил методи, Дебат усули, муаммоли вазиятлар усули.
<b><i>Ўқитиш воситалари</i></b>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<b><i>Ўқитиш шакллари</i></b>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<b><i>Ўқитиш шарт-шароити</i></b>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<b><i>Мониторинг ва баҳолаш</i></b>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

## Маърузанинг технологик картаси

<i><b>Иш жараёнлари вақти</b></i>	<i><b>Фаолиятнинг мазмуни</b></i>	
	<i><b>Ўқитувчи</b></i>	<i><b>Талаба</b></i>
I-босқич. фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Мавзунинг илмий аҳамияти ва унниг олдинги мавзу билан боғлиқлиги ёритилади	Тинглайдилар.
	1.2. Мавзуни ўрганишнинг фалсафий билм такомилдаги аҳамияти таҳлил қилинади	Тинглайдилар.
	1.3. Мавзу рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Курсни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан Кластер қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага «Ислом фалсафаси тарихининг такомил босқичлари?» деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич.	2.1. Мавзу режаси ва таянч	Тинглайдилар.

Асосий (50 минут)	тушунчалар билан таништиради.	
	2.2. Маърузани режа бўйича талабалар билан таҳлил қилади ва ҳар бир режа саволини ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намоёиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	1. Жаҳон цивилизацияси барча жамият аъзолари учун ягона бўла оладими? 2. Ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб фалсафаси ўртасидаги тафовут нимадан иборат? 3. Форобий қарашларининг жаҳон маданиятидаги тутган ўрни аниқланг? 4. Схоластика нима?	Талабалар саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун ўқувчиларга тарқатма материаллар	Мустақил “Тушунчалар таҳлили” методи тўлдирадилар.



	тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади	Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кў-риш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

<b>Дарснинг босқичлари, ажратилган вақт</b>		
<b>Технологик босқичлар</b>	<b>Фаолиятнинг мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>I босқич-тайёрланиш (3-5 мин.)</b>	Саломлашиш, давомат, талабалар билан фикр алмашиш, янги мавзуни эълон қилиш, маърузанинг режаси ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати билан талабаларни таништириш.	Дарсга тайёргарлик билан машғул, ўқув қуроллари ва воситаларни тайёрлайди, ўқитувчининг саволларига жавоб беради, режа ва адабиётлар рўйхатини қайд этиш.
<b>II босқич-асосий (60-65 мин.)</b>	Мавзуни ёритиш давомида асосий тушунча ва атамаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тингловчиларга тушунча бериш ҳамда тингловчилар билан	Талабаларнинг диққати жамланган ҳолда маърузага эътибор бериб, берилган саволларга ўз фикр-мулоҳазаларини

	эркин мулоқотда бўлиш. Дарс жараёнида талабаларнинг фикрини жамлашга имкон берувчиси саволлар билан диалог уюштириб бориш.	билдиришади, керакли маълумотларни ёзиб боришади.
<b>III босқич– якуний ( 5-10 мин.)</b>	Дарснинг якуний қисми бўлиб, бунда мавзунинг хулосаси, талабалар томонидан берилган саволларга жавоблар ва қисман дарсни мустаҳкамлаш учун савол-жавоблар. Фаол талабаларни алоҳида қайд этиб Рағбатларннтириш ва лоқайд тингловчиларга эътиборли бўлиш юзасидан танбех бериш. Келгуси дарсда бўладиган мавзу ва унинг шакли ҳақида тингловчиларга маълумот бериш.	Талабалар ўзларини қизиқтирган саволлар билан муурожаат қилишади, фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини билдиришади ва кейинги дарс мавзуларини ҳамда дарс шаклини ўзларига қайд этиб боришади.

## **Мавзу юзасидан кейслар тўплами, амалий топшириқ ва ишланмалар.**

### **Кейс-стади технологияси**

#### **Мавзу: Ўрта асрлар фалсафаси.**

#### **Кейснинг мақсади:**

##### **1. Кейснинг таълимий мақсади:**

Биз ўрта аср фалсафа тарихини ўрганар эканмиз, фақат машҳур номлар ва улар яратган таълимотларни билиб олиш учунгина эмас, балки инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк файласуфларнинг ибратли ҳаёти, ўлмас ғоялари моҳиятини чуқур англаш, уларга таяниб, бугунги кун фалсафий муаммоларининг қулай ечимини топиш, шу тариқа Ватанимиз ва халқимизга ҳалол хизмат қилиш, қолаверса, буюк аجدодларимизга, элу юртимизга муносиб фарзандлар бўлиш учун ҳам пухта ва чуқур ўрганишимиз бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўтмиш цивилизацияси фалсафий тафаккур тараққиётининг Шарқ ва Ғарб халқларига хос энг муҳим қирраларини ўрганишда қуйидаги **асосий мезон ва жараёнларни белгилашимиз мумкин:**

- Фалсафанинг келиб чиқиши, эволюцияси, инсоният ҳаётида тутган ўрни, қадимги дунё ва ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб фалсафаси тараққиётида илк диний-мифологик, илмий-фалсафий таълимотларнинг шаклланиши, ривож, дастлабки ёзма манбаларнинг яратилиши;
- Ўрта аср фалсафа тарихига, унинг ривожланиш босқичларига мос ҳолда фалсафанинг вазифалари ва ўрганиш доираси тарихан ўзгариб бориши;

- Ўрта асрлар ғарб маданияти таъсирида шаклланган фалсафий таълимотлар ва ҳозирги замон фалсафий тафаккури ривожининг ворисийлиги;
- Шарқ ва Ғарб фалсафий билимлари ривожланишининг умумий жиҳатлари ва ўзига хос томонларини фарқлай билиш муҳимдир.

**Ўрта аср фалсафасини ўрганиш қуйидаги муаммоларни аниқлаш имконини беради:**

- а) Дунёнинг хилма-хил ходиса ва жараёнларга нисбатан муносабатнинг ижтимоий онг шакллари даражасига мос ҳолда ифодаланиши;
- б) Антик дунё мутафаккирларининг фалсафий фикрлар тараққиёти меросига қўшган ҳиссаларини аниқлаш;
- в) Фалсафий мероснинг умуминсоний маънавий юксалиш маҳсули эканлигини муаммо сифатида қўйиш.
- г) Шарқ ва Ғарб фалсафий таълимотлари ривожланишидаги умумийлик ва ўзига хослик белгилари;

#### **Режалаштирилган ўқув натижалари:**

Талабалар, аввало, “Нур – Шарқдан таралади” деган нақлнинг маъносини англаб олиб, Шарқ ва Ғарб фалсафасига оид фикрлар сарчашмалари, уларнинг инсон маънавий камолоти ривожига ахамиятини таҳлил қилади. Жаҳон цивилизацияси ва маданиятига барча минтақа, халқ ва элатларнинг ўз ўрни бор эканлигини тушунтиради.

## **2. Талабалар Кейсни муваффақиятли ечишлари учун қуйидаги таянч билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим:**

- Ўрта аср Шарқ фалсафий тафаккури сарчашмалари бўлган оғзаки ижод намуналарида ўша даврдаги ижтимоий муҳитни ёритилиши масаласи;
- Ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб дунёси умумий фалсафий муаммоларни тадқиқ қилишда ўзаро алоқадорликларни намоён бўлиши;
- Европада классик ва ноклассик фалсафа ривожланишида Шарқ фалсафасининг ўрни ва аҳамияти;
- Шарқ ва Ғарб фалсафий меросининг тоталитар тузум даврида бир томонлама ёритилиши масаласи;
- Шарқ ва Ғарб фалсафий тафаккури меросининг миллий ўзликни шакллантиришдаги ўрни.

### **Кейснинг типологик белгилари:**

**Кейс объекти:** Ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб дунёсида пайдо бўлган фалсафий билимлар, уларнинг манбалари, улуғ қомусий алломаларнинг фикр-мулоҳазалари, ўзига хос таълимотларининг моҳияти.

Кейс қисқа, структуралашган. Ўқув топшириғи кейс-топшириқ ёрдамида тасвирланади.

**Кейснинг дидактик мақсади** талабаларга ўрта асрлар Шарқ фалсафасига оид фикрлар сарчашмалари, ўрта асрларда уйғониш даври ва фалсафаси ҳақида умумий тушунчалар бериш, уларнинг бугунги кундаги аҳамиятини очиб беришдир.

4. Кейс учун ахборот йиғиш йўллари: мулоқот, баҳс-мунозара, ўқув-услубий ва илмий манбаларни ўрганиш.

5. Ахборот йиғиш воситалари: маърузалар, услубий кўрсатмалар, меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар.

6. Ахборот манбалари: адабиётлар, аудио ва видео материаллар, интернет тармоғи, илмий журналлар, АРМ.

### **Вазиятли топшириқ №1**

**Вазият.** Ўрта асрлар фалсафий тафаккури инсоният цивилизацияси ривожда муҳим маънавий замин эканлигини, унинг замонавий цивилизация ривождаги аҳамиятини белгилаш.

**Ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб фалсафий тафаккур сарчашмалари ҳозирги замон фалсафий тафаккури тараққиёти ривожланишида маънавий пойдевор эканлигини асослаш учун қуйидагиларга эришиш мумкин;**

– Ҳозирги замон фалсафий тафаккури ривожда ўтмиш фалсафий мероси, қомусий олимларнинг тарихий меросининг ўрни ва аҳамияти кўринади;

– Қадимий маънавий кадриятларни чуқурроқ ўрганиш, қолаверса ҳозирги кунда илм-фан ва фалсафада эришган билимларимиз нисбий экани ушбу ғоялар фақат улкан бир циклнинг тугаётгани ва бошқа катта циклнинг бошланишидан хабар бераётганини англаш имконини беради;

– Ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк Шарқ ва Ғарб аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ва илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканлиги ишонч ҳосил қилинади;

– Ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк Шарқ ва Ғарб аллома ва мутафаккирларининг илмий ва тарихий мероси, ҳикматли ва доно фикрлари бугунги кунда мамлакатимизда маънавий баркамол авлодни вояга етказишда намуна ва ибрат мактаби эканлиги белгиланади.

**Топшириқ:** ўрта асрлар фалсафаси ривожланишида ўзига хослик ва ворисийлик тамойилларини фалсафий мушоҳада қилиш орқали талабаларга инсоният олдида турган муайян муаммони англаш ва уни ҳал қилиш мақсади, услуб ва воситалари ўргатиш ва уларнинг онгига сингдиришнинг оптимал вариантлари танлансин.

### **Муҳокама учун саволлар**

- Милоддан аввалги биринчи минг йилликдан эрамининг VI асригача Марказий Осиёда маданият ривожини қандай ҳолатда тараққий этган?
- Ўрта асрларда Ҳинди-Хитой минтақасида қайси таълимотга асосланган ҳолда ведачилик фалсафий йўналиши вужудга келди?
- Конфуцийлик ва Даочилик фалсафий таълимотларининг қайси бири ибтидоий даврни идеаллаштиради? Бунинг сабаблари нимада?
- Ўрта асрларда Европа маданияти: номинализм ва реализм, апологетика, патристика ва схоластика ғояларининг ҳозирги замон илм-фан тараққиётида қандай аҳамиятга эга?
- Замонавий дунёда инсонпарварлик ғояларини амалга оширишда қайси ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк Шарқ ва Ғарб аллома ва мутафаккирларининг ютуқларини ўзлаштириш мумкин?

## **Талабага услубий кўрсатма ва топшириқ.**

**1-топшириқ:** Ўрта асрлар фалсафаси тарихини тоталитар тузум мафкурасига мос, бир томонлама ёндошувни инобатга олгвн холда, ушбу давр фалсафасига холисона, тарихийлик нуқтаи назаридан ёндошув. Шунга кўра, топшириқ хозирги давр характеридан ва нормаларидан келиб чиқиб ечилади.

**Муаммо:** Шарқ ва Ғарб фалсафий меросини ўрганишда евроцентризм ва осиецентризм назарияларидан холи бўлган ҳаққоний ёндошувни шакллантириш.

### **Вазифа:**

- Қўйилган масала қандай усуллар ёрдамида ҳал этилганлиги таҳлил қилинсин.
- Дастлабки фалсафий фикр ва таълимотларнинг шаклланиши учун асос бўлган шарт шароит ва вазият таҳлил қилинсин.
- Шарқ ва Ғарб фалсафий меросини ўрганишда евроцентризм ва осиецентризм назарияларидан холи бўлган ҳаққоний ёндошувни шакллантириб, таҳлил қилинсин.
- Қўйилган муаммони ечишнинг оптимал варианты топилиб, таҳлил қилинсин.



**Мавзу юзасидан дарс жараёнида фойдаланиладиган  
инновацион педагогик технология**

**“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Услубнинг қўлланилиши**

Ушбу услубни машғулот жараёнида ёки машғулотни бир қисмида якка кичик гуруҳ ҳамда жамоа шаклида ташкил этиш мумкин. Ундан уйга вазифа беришда фойдаланса ҳам бўлади.

**Тарқатма- 1.**

<b>Тушунчалар</b>	<b>Тушунчалар мазмуни</b>
<b>Сўфизм</b>	
<b>Пантеизм</b>	
<b>Патристика</b>	
<b>Апологетика</b>	
<b>Схоластика</b>	

**Тарқатма – 2 жавоби**

<b>Тушунчалар</b>	<b>Тушунчалар мазмуни</b>
<b>Суфийлик</b>	(араб. "суф" – жун) – ислом дини пайдо бўлгандан сўнг унинг доирасида Қуръон ва ҳадисга мос равишда шаклланган таълимот. VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Суфийлик мусулмон мамлакатларидаги халқларнинг диний йўналишдаги ижтимоий-фалсафий, маданий-маънавий ҳаётида кенг тарқалган мураккаб ҳамда ички зиддиятларга тўла ғоявий оқим.
<b>Пантеизм</b>	– Худони табиат билан тенглаштирувчи фалсафий таълимот.

<b>Патристика</b>	<p>- сўзи «ота» («падре») сўзидан келиб чиққан. Бу ном билан одатда Фарбда епископларни уларга хурмат сифатида атаганлар. Шарқда машхур бўлган черков оталаридан бири Иоан Златоуст (347-407) эди. Унинг 640та даъватларидан кўпчилиги авлиё Павел номаларининг шарҳи эди. Унинг асарларида инжилни амалий қўллаш соф ахлоқий масалалар билан қоришиб кетган.</p>
<b>Апологетика</b>	<p>- юнонча apologetikos - ҳимоя қилиш маъносини англатади. Илоҳиётда тафаккур далиллари ёрдамида диний таълимотни ҳимоя қилиш ва оқлаш билан боғлиқ булган соҳа. Диннинг моҳиятини ақидалар тизими хусусиятлари, ахлоқий принциплари, ижтимоий ҳаётдаги роли ва аҳамиятини таҳлил қилиш асосида уни фалсафий материалистик ва генетик танқиддан ҳимоя қилишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қуяди</p>
<b>Схоластика</b>	<p>диний фалсафанинг асосий йуналишларидан бири. Мазкур таълимот илоҳиётга асосланиб, диний ақидаларга фалсафий ёндашган. Схоластика аслида, ўрта асрларда ғарбий Европада ривожланган. Бироқ кейинчалик, мазкур термин Шарқ фалсафасига нисбатан ҳам ишлатила бошланди.</p>

**“Ўрта асрлар Марказий Осиё фалсафаси, унинг ютуқлари ва жаҳон маданиятидаги ўрни”** мавзусини замонавий педагогик

технологиянинг

**“6 га 6”** усулида ташкил этиш ва ўтказиш

**С Ц Е Н А Р И Й С И**

**Дарс мавзуси:** (амалий машғулот) “Ўрта асрлар Марказий Осиё фалсафаси, унинг ютуқлари ва жаҳон маданиятидаги ўрни”

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўрта асрлар фалсафасининг ўзга хослигини таҳлил этиш, ўрта аср Шарқ ва Ғарб мамлакатлари фалсафасида диннинг устуворлиги масаласи, ўрта аср Марказий Осиё фалсафий тафаккур маданияти, унинг инсоният маданияти ривожига тутган беқиёс ўрнини, жаҳон цивилизациясига кўрсатган таъсирини кўрсатиш ҳамда ўрта аср Марказий Осиё фалсафасидаги ютуқлар ва уларнинг жаҳон маданиятидаги ўрни ва роли хусусида хулоса чиқариш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Талабаларни ўрта аср Марказий Осиё халқлари фалсафий тафаккур маданияти бойликлари билан яқиндан таништириш. Ўрта асрларда Марказий Осиёдан етишиб чиққан аллома ва мутафаккирларнинг бой илмий-фалсафий меросининг инсоният маданияти ривожига тутган беқиёс ўрни, жаҳон цивилизациясига кўрсатган таъсирини кўрсатиш. Қадимдан Шарқ – жаҳон цивилизациясининг марказларидан бири эканлиги, унда Марказий Осиё минтақаси алоҳида мавқе тутишлиги ҳақида хулосалар чиқариш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабаларни бугунги кунда ўтмиш тарихимизни янгича тафаккур билан оқилона ўрганиш, бой маданий меросимизни давр талаби руҳида одилона

тахлил қилиб, ижодий бойитган ҳолда келажак авлодларга етказиб бериш, ёшларимизни ана шу меросга ҳурмат ва эътибор руҳида тарбиялаб, уларда инсонпарварлик, ватанпарварлик ва миллий ғурур руҳида тарбиялаш долзарб аҳамият касб этишлигини атрофлича таҳлил ва тадбиқ этиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

### **“6 га 6” усули.**

#### **Дарсинг бориши:**

*1. Ташкилий қисм.*

*2. Талабаларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Семинарда ўқитувчининг кириш сўзи аввало мавжуд муаммони яъни мавзунини очиқ беришга қаратилган бўлади, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар доирасидаги саволлар бўйича аниқликлар киритади. Амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан талабаларни таништириб, дарсинг мақсади халқимизнинг бой тарихий мероси, унинг манбалари ва ўрта асрлар Шарқ Уйғониши билан боғлиқ илмий кашфиётлари дарғалари бўлган буюк боболаримиз эришган натижаларнинг ўзга хослиги таҳлил этади. Марказий Осиё ўрта асрлар мутафаккир боболаримизнинг бой илмий мероси, унинг бугунги кунда дунё илм аҳли томонидан эътироф этилиши ва ҳозирги цивилизация учун аҳамиятини ҳақида ўз фикрини баён этади.

#### **3. 6 га 6 ўйинини ўтказиш.**

Бунда 6 кишидан кам бўлмаган гуруҳ 6 дақиқа давомида гуруҳ олдида турган муаммони ечишга ёрдам берадиган аниқ ғояни шакллантиришга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир иштирокчи оппоқ

қоғозга алоҳида саҳифаларга ўз фикрларини ёзиб боради. Бу ихчам тарзда амалга оширилади. Шундан сўнг гуруҳда барча тайёрланган рўйхатлар муҳокама қилинади. Муҳокама жараёнида ўта хато қарашлар чиқариб ташланади, мунозарали масалаларга аниқлик киритилади, бошқа барча аниқланган хусусиятлар гуруҳлаштирилади. Вазифа бир неча муҳим муқобилларни сақлаб, саралаб олиш. Унинг миқдори иштирокчилар миқдоридан кам бўлади.

6 кишилиқ гуруҳ олдида 6 дақиқа ичида Ўрта асрларда Марказий Осиёдан етишиб чиққан аллома ва мутафаккирларнинг бой илмий-фалсафий меросининг инсоният маданияти ривожидида тутган беқиёс ўрни аниқ бир умумий ғояни айтиб бериш талаби қўйилади. Улар:

- Сув ва ҳавони муқаддаслаштириш ғояси;
- Аждодлар меросига эътиқод;
- Тупроқ, сув, олов ва ҳавони муқаддаслаштириш ғояси;
- Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал тамойили;
- Ўзингга раво кўрмаган нарсани бировга ҳам раво кўрма.

**Шундан сўнг ёзилган фикрлар муҳокама қилинади ва хато деб топилганлари рўйхатдан чиқариб ташланади. Тўғри ва аниқ жавоблар гуруҳлаштириб қуйидаги ҳолатга келтирилади: Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал тамойили ҳамда тупроқ, сув, олов ва ҳавонинг муқаддаслаштирилиши ғояси зардўштийликнинг асосини ташкил этади.**

Педагогик технологиянинг бу усули орқали дарсда иштирок этаётган барча талабаларни баҳолаш мумкин, яъни 36 талабани баҳолаш мумкин.

## ХУЛОСА

Дунёнинг чегараси бўлмагани сингари, инсон билими ва имкониятларига ҳам чегара қўйиб бўлмайди. Шундай экан, инсонни билиш унинг ҳар томонлама ривожланиши ва камол топиши учун маънавий омилларни англаш муҳимдир. Бундай омилларнинг юзага чиқиши дунёнинг фалсафий мушоҳада этилиши, тўпланган билимларнинг изчиллиги билан тақозо этилади. Амалий тадқиқотлар имкони чекланган вазиятда инсон ички ҳиссий қобилиятининг назарий тафаккур учун қанчалик қувват манбаи бўла олишлигини инкор этиб бўлмайди. Илмий, техникавий имкониятлар мавжуд бўлмаган даврда замон чегарасидан неча-неча асрларга илгарилаб кетган буюк тафаккур соҳибларининг ижодий қобилияти исбот талаб қилмас ҳақиқатдир.

«Фалсафа» фанини замон талаблар асосида ўқитишнинг аҳамиятини жамият тараққиётида ва шахс камолотида фан билимларининг ўрни ва роли ўта муҳимлиги билан белгиланади. Зеро, инсоният тўқнаш келган барча муаммолар ва тўсиқларнинг ечими сифатида имон - эътиқод ва мафқуранинг шаклланишининг ижобий таъсир катта. Шу сабабли, фан ўқитувчисининг илмий савияси унинг ўз бурчига муносабати, ёшларга мураббийлик иштиёқи, педагогик маҳорати ва, энг аввало, сифатли дарс бера олишида кўринади.

Олий ўқув юртларида маъруза ёки семинарга тайёрланар экан, ўқитувчи танлаган метод ва усуллари таъсирида машғулотнинг методик сценарийсини тайёрлайди. Уларни танлаш таълим олувчилар (ўқувчилар, талабалар, тингловчилар)нинг ёши,

хаётий тажрибалари ва уларда ижтимоий фанлар ва ҳ.к. бўйича илк билимлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Ўқитувчининг педгогик маҳорати, мулоқот маданияти, нутқнинг тўғрилиги, алоқавий маҳоратнинг ўқувчиларга таъсири, педагогик нутқ техникасини эгланганлиги даражаси ўз навбатида янги алоқавий технологияга асосланган ҳолда амалга оширилади. Педагогик фаолият шакллари ўқитувчининг талаблар асосида маъруза, амалий машғулот давомида ҳимоя, эркин суҳбат, мулоқот-мунозара дарсларида намоён бўлади.

Ҳар бир дарсимизнинг барча таркибий қисмлари орасидаги алоқадорлик кучайтирилиши, хусусан, унинг шакл ва методларидан бошлаб ташкилий шакллари, унинг талаба шахсини фаоллаштиришга йўналтирадиган жиҳатларигача эътиборда тутилиши керак. Билимларни тайёр ҳолда бериш тамойили ўрнига талабанинг ўзи мана шу билимларни эгаллашга интиладиган шароитни яратиш, самара берадиган янгиликлар тизимини муносиб тарзда шакллантириш бу йўлдаги асосий вазифаларимиздан биридир.

Шу ўрнида таъкидлаш жоизки, **фалсафа ўқитувчиси махсус фан ўқитувчиларидан фарқли ўлароқ фақат бир фаннинг эмас, балки барча фанларнинг олий билимдони, яъни Форобий, Ибн Сино, Берунийлар каби қомусий олим бўлиши**, барча махсус фан соҳаларининг янги ғоялари, кашфиётларини англаб бориши, **бу билимларни диалектик умумлаштирган ҳолда фалсафий дунёқарашга тегишли тўлдириш ва тузатишлар киритиб, уни ривожлантириб бориши, айти пайтда** кишилар дунёқарашини тўғри йўналишга солиб бориш баробарида бу

жараённи амалдаги мафкура ва таълим-тарбиянинг бош йўналишлари билан мувофиқлаштириб туриш каби бир муҳим вазифалари ҳам борлигини ҳамيشа назарда тутиши зарур.

Мавзу бўйича изланиш ишларини олиб бориш чоғида, муаллиф томонидан қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилди:

✚ Ҳозирги кун талабасига ўқитувчи ҳам объект, яъни билимлари узатилаётган ва ўзи ўзгартириши керак бўлган объект сифатида ҳам, ўзи билан тенг мулоқатга ҳақли субъект сифатида ҳам ёндошуви мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги давр фалсафий дарсларининг юксак экзистенциал маъноси ҳам шунда, яъни талаба билан тенгдай, айна вақтда ундан устун устоз даражасида тура билишдадир. Бу вазиятда туриш тажрибасиз ва фалсафий-назарий билими саёз ўқитувчи учун жуда қийин ва қалтис иш. Шунинг учун ҳам бу ҳолларда кўпчилик ёш ўқитувчилар субъект-объект вариантыда иш юритадилар. Ушбу вариантни ишнинг бошланишида, унинг айрим қисмларида қўллашни узурли ҳисоблаш мумкин бўлса ҳамки, уни мутлоқлаштириш ярамайди. Чунки бугунги кун талабаси гарчи чуқур назарий билиш кўникмаларига эриша олмаган бўлса ҳамки, кенг ахборот омборига эгаллиги жихатидан ўз ўқитувчисидан устун келиши қийин эмас. Айна шундай ҳолларда унинг билан субъект-субъект, яъни фалсафий суҳбатларнинг “тенг ҳуқуқли партнери” сифатида мулоқатда бўлиш фойдали бўлади.

✚ Дарс вақтида афоризмлар, ҳикматли гаплар, айниқса ҳадислардаи фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Зеро ҳадислар тарбиянинг энг яхши воситаларидир. Лекин улардан



фойдаланилганда уларнинг мавзу билан, мавзунинг тегишли ери билан боғлиқ бўлган ҳолдагина киритиш кераклиги эса туриши керак. Акс ҳолда мавзудан четга чиқиб кетилади. Бу эса методик камчиликдир. Масалан, илмнинг фойдаси (*"Гносеология - билиш фалсафаси"* мавзуси хусусида маъруза ўқиладиган бўлса) ҳақида гап кетганда қуйидаги ҳадислардан фойдаланиш яхши натижа беради; *"Бир соат илм ўрганиш, бир тун уйғониб, ибодат қилмоқдан хайрлироқдир"* ёки *"Худонинг наздида бир ориф (яъни илм эгаси, суфий) минг обиддан (яъни мусулмончилик қоидаларини биладиган ва уларга амал қиладиган кишилардан) ортиқроқдир"*. Агар талаба маърузанинг муҳим жойларини ёзиб олишга эринаётган бўлса *"Илми ёзиш билан мустаҳкамлаш керак"* деган ҳадисни ҳам келтириш мумкин.

✚ Мақол, маталлардан фойдаланганда уларнинг савиясига эътибор бериш керак. Зеро ниҳоятда саёз, эскирган матал ва мақоллар ҳам учраб туради.

✚ Ҳикматли фикрлар келтирмоқчи бўлсангиз, улар орасида тингловчи учун энг таъсирчанларини танлаб олишга интилиш керак. Масалан, илмий тафакурни улуғламоқчи бўлганда бугунги кун талабасига *"Илм ҳеч йўқолмайдиган буюк хазина, ақл эса ҳеч эскирмайдиган янги либос"* деган ҳикматни айтса ҳам бўлади. Лекин агар у иқтисодий жиҳатдан қийналиб юрган бўлса ва илмга ҳали меҳри яхши уйғонмаган бўлса, бу мақолни эшитиб, энсаси қотиб, бепарво бўлиши тайин. Бунинг ўрнига буюк Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраларини ўқиш қизиқарлироқ чиқиши мумкин.

*Деди, ҳар ишки, қилмиш одамизод,*

*Тафаккур бирла билмиш одамизод.*




*Ўлум ичра менга гар бўлса мадҳал,*

*Топилмас мушукули мен қилмаган ҳал.*

Хулоса қилиб айтганда, фалсафий фанлар таркибига кирувчи фанларни ўқитишга ижодий ёндашиш зарур. Хусусан, мамлакатимиз тараққиётига хос далиллар, халқимизнинг тарихи, миллий-маънавий ва умуминсоний кадриятларга асосланиш, оддий ҳаётдан олинган мисолларни қўллаш ижобий натижа беради. Фанни ўқитишга ўта илмий ёндашиш ёки уни меъёрдан ортиқ соддалаштиришга, “насихатгўйликка”, мавсумийликка берилиб кетишдан сақланиш керак. Ютуқ ва муаммоларни чуқур таҳлил этиш, ёшларнинг ўзини уларга жавоб топишга қизиқтириш, муҳокамаларда эркин иштирок этишини таъминлаш керак. Профессор-ўқитувчининг шахсий ибрати, таълим ва тарбия бирлигига амал қилиши ўта муҳимдир.

### **ЭСДА САҚЛАНГ!**

#### **Замонавий педагогик технологияни қўллашнинг муҳим хусусиятлари:**

-  Аудитория бўйича ҳаракат қилиш лозим, ҳамма вақт доска олдида турманг, меъёридан оширмасдан имо-ишорадан фойдаланинг!
-  Материални жонли тилда, мисоллар ва таққослашлар билан баён килинг!
-  Ўз фанига бўлган қизиқишни ва ўқувчилар нимани ва қандай ўзлаштиришларига бефарқ эмаслигини кўрсатиш лозим, бунда ўз ишига масъулиятлилиқ уларни руҳлантиради!

- ✚ Ўқув материални баён қилишнинг мақбул суръати (темп)ни танлаш лозим: у таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражаларига мос келиши лозим ва маърузанинг асосий ҳолатларини ёзиб олишга имкон бериш учун у жуда тез бўлиши керак эмас!
- ✚ Саволлар бериш ва ўқувчилар жавобларидан фойдаланиш, бунда уларнинг аҳамиятини кўрсатиш!
- ✚ Вақтинча эркин фикр алмашишга рухсат бериш, бу зўриқишни пасайтиради ва ҳиссий куч беради!
- ✚ Аниқ ҳолатларни, жумладан муаммоли вазиятларни аниқлаш, ҳар кунги ҳаётдан мисоллар келтириш!
- ✚ Ўқувчиларда саволлар беришга қизиқишни уйғотиш!
- ✚ Аввал ўрганилганлар билан, яъни янги ҳолат ва далилларни таққослаш!
- ✚ Материални тушунишнинг дабдабали ва аниқловчи саволларини қўллаш!

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: 2017, 70 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 384 б.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
8. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. //Fidokor, 2008 йил 8 июнь.
9. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан.// Халқ сўзи, 8 декабр, 2016 йил.
10. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. - Т.: “Ўзбекистон”, 2016. - 56 б.
11. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. - Т.: “Ўзбекистон”, 2017,488 б.

12. Бобоев Х., Гофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тарраққиёти. -Т.: Янги аср авлоди, 2001.
13. Гуннар Скирбекк, Нилс Гиле. Фалсафа тарихи. Т-; 2002й.
14. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). - Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. - 160 б.
15. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация / Под ред. О.Файзуллаева. – Т., 2000.
16. Сайидахмедов Н.С., Индиаминов Н.Н. Педагогик махорат ва педагогик технология. – Тошкент.: Фан ва технология, 2014.
17. Файзуллаев А.Ф. Научное творчество Аль-Хорезми. – Т., 1983.
18. Фалсафа. /Э.Юсупов тахрири остида.- Т.: Шарқ, 1999.
19. Фалсафа асослари. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
20. Фалсафа қомусий луғат «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти». -Т.: Шарқ, 2004.
21. Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан.-Т.: Минҳож, 2003.

## **ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

1. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. [www.faylasuf.uz](http://www.faylasuf.uz).
4. [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b>	<b>3-4</b>
<b>1. Фалсафа фани мавзуларни ёритишда анъанавий ва ноанъанавий методларнинг ўрни.</b>	<b>5-15</b>
<b>2. Фалсафа фанини ўқитишда замонавий таълим инновациялари</b>	<b>16-49</b>
<b>3. Талабалар танқидий фикрини ривожлантиришда интерфаол методларнинг ўрни</b>	<b>50-60</b>
<b>4. Инновацион таълим методларидан фойдаланиш тажрибаси (намунали дарс)</b>	<b>62-78</b>
<b>Хулоса</b>	<b>79-84</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b>	<b>85-86</b>



Қулдошев А.Т. “Фалсафа фанини ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш” мавзусида услубий қўлланма. Самарқанд, СамДАҚИ-2019. 88-бет.

**Чиқиш белгилари:** Шакли А4. Бичими Times New Roman гарнитураси. Ҳажми 4,25 босма табоқ, Буюртма №\_\_\_. Адади 100.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти босмахонасида чоп этилди.

Самарқанд шаҳар, Лолазор кўчаси 70 уй.